ИЛФАКА САГУ

БУТУН ДУНЕ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

УЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР КОМИТЕТЛАРИ, МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

7-ЙИЛ ЧИҚИШИ

№ 103 (1623)

24 МАЙ СЕШАНБА 1960 ЙИЛ

БАҲОСИ 20 ТИЙИН.

БУГУНГИ СОНДА:

Ўзбекистон касаба союзларининг олтинчи съезди (1 ва 2-бетлар).

Тинчлик иши енгилмасдир (1-бет).

Коммунистик меҳнат корхонаси учун! Янгийўлдаги гўшт комбинатининг коллективи Тошкент радиолампасозларининг чақириғига жавобан Ленин вахтасини йил охиригача давом эттириш ва коммунистик меҳнат корхонаси деган шарафли номни олиш учун курашмоқда. **И. Сулаймонов.** — Шарафли ном эгалари (2-бет).

ЎЗБЕКИСТОН КП МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ ПЛЕНУМИДА ҲИСОБ БЕРАМИЗ: **Ғўзанинг соғлом ривожланишини таъминлаш учун қатқалоққа қарши курашайлик! А. Қобулов.** — Ҳайбаракаллачилик билан иш битмайди. **З. Хайриддинов.** — Механизатор Муслим ота (3-бет).

О. Мажидова. — Область мактаблари янги ўқув йилида бир сменали машғулотга ўтади (3-бет).

Совет ҳукуматининг Япония ҳукуматига нотаси (4-бет).

Аргентинадаги байрамлар арафасида (4-бет).

Конгрессменлар жавоб талаб қилмоқдалар (4-бет).

Ҳинд драматурги Тошкентда (4-бет).

Ҳосилим мўл бўлсин десанг

Бу йилги об-ҳаво шароити деҳқон учун анча ноқулай келди. Улкан «оқ олтин» хирмонининг мустаҳкам пойдеворини яратишда ҳал қилувчи май ойининг иккинчи ўн кунлигида ҳам кўк гумбазида паға-паға булутлар кезиб, ерга ўқтин-ўқтин совуқ томчилар ташлади.

Илғор хўжаликларнинг катта мақсад, эзгу ният билан навбаҳордан бери универсал рулидан тушмаган азамат механизаторлари, ҳар туп ғўзани ўз фарзандидай ардоқлаб, авайлаб парвариш қилаётган асл деҳқонлари об-ҳавонинг ана шу ноқулайликларини енгиш учун мардоналик билан курашмоқдалар.

Ўша азамат кишилар бутун куч, моддий техника воситаларидан тўла ва унумли фойдаланиб, ўз зиммаларига олган социалистик мажбуриятларини қоплайдиган даражада мўл ҳосил етиштиришга қодир эканликларини амалда исбот қилмоқдалар.

Бугун гулистонлик Ғанишер Юнусов, янгиерлик Шарофат Бозорова, пискентлик Ҳакимполвон Қодиров, чиноэлик Турсуной Охунова, янгийўллик Умарали Муҳамедов каби донгдор пахтакорлар бошқараётган бригадаларнинг далаларида бўлган кишининг баҳри-дили очилади. Кеча яқиндагина қупқуруқ шудгор бўлиб ётган ерлар бетини қоплаган яшил квадратлар майсаси кўзларни қувонтиради.

Бекобод районидаги Навоий номли колхозда 32 универсал бетиним дайқирмоқда. Ҳосилимиз мўл. юзимиз ёруғ бўлсин деб чинакам бел боғлаган бу хўжаликнинг азамат деҳқонлари асосий майдонлардаги ғўзаларини биринчи парваришдан чиқардилар, яганалаш тамомлаб, тўйдириб озиқлантирдилар. Қатор оралари ҳам узунасига, ҳам кўндаланигига сифатли ишланаётган ғўзалар 4—5 тадан чин барг чиқариб, далага файз бахш этди. Колхоз пахтакорлари об-ҳавонинг жўнашиб кетишини кутиб ўтирганлари йўқ. Улар қўкламнинг биркуни кузнинг ўн кунига тенг, деган хикматли гапга амал қилдилар. Каттадан-кичик бир ёқадан бош чиқариб, манглай тери тўкди ва ана шундай муваффақиятни қўлга киритди. Эндиликда улар ғўза қатор ораларига иккинчи марта ишлов бериш, июннинг биринчи ўн кунлигида тўла шоналатиб олиш тадбирларини изчиллик билан амалга оширмоқдалар.

СССР Олий Советининг яқинда бўлиб ўтган сессияси қарорларидан бенизоя илҳомланган илғор хўжаликларнинг азамат кишилари Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг III пленумида ҳисоб берамиз, деган фикрни дилларига жо қилган ҳолда пахта далаларида мўл ҳосил тақдири учун ана шундай жанг қилмоқдалар.

Бизнинг мақсадимиз умумий юксалишга эришишдан иборат. Қолоқ хўжаликлари илғор хўжаликлар даражасига кўтариш — энг биринчи галдаги вазифа ҳисобланади. Ваҳоланки бир қатор колхоз ва совхозларнинг раҳбарлари бу фикрнинг асл маъносига тушунибетмаётирлар. Улар ўз хўжаликларида меҳнатни тўғри ташкил этиш, бутун куч ва моддий-техника воситаларини ғўза парваришига тўла сафарбар этиш ва шу йўл билан барча майдонларда зиммага олинган мажбуриятларни қоплайдиган даражада юқори ҳосил етиштириш борасида етарли иш олиб бормаётирлар.

Ўрта Чирчиқ районидаги Сталин номли колхозда ғўза парвариши соҳасида жуда катта камчиликларга йўл қўйилмоқда. Колхозда ғўза яганаси ҳали тамомланганг йўқ. Мавжуд культиваторлар универсалларга тўла тиркалмаган. Оқибатда катта-катта карталардаги ғўзалар ёмғирдан кейинги қатқалоқ натижасида эркин ривожланмаяпти. Агар колхоз раҳбарлари техникадан унумли фойдаланиш ҳақида бош қотирганларида, ғўза қатор ораларини ҳам узунасига, ҳам кўндалангига сифатли культивация қилиб, тупроқни юмшатиб қўйганларида эди, эндигина ниш уриб чиққан ғўзалар ҳам ердан, ҳам ҳаводан баҳра олиб, кўкка бўй чўзарди, дала бетини яшил квадратлар қоплаган бўларди.

Тўғри, бу йил ўтган йилгига нисбатан анча кўп майдонга чигит квадрат-уялаб жойлаштирилди. Эндиликда ана шу квадратларни тўла сақлаб қолиш ҳар бир деҳқоннинг, ҳар бир механизаторнинг ҳамиша диққат-эътиборида бўлиши керак. Афсуски кўпгина хўжаликларда бу соҳада қаттор камчиликларга йўл қўйилмоқда. Дастлабки эришилган муваффақиятни мустаҳкамлаш ўрнига қилинган меҳнатни зоега кетказиш ҳоллари юз бермоқда.

Оржоникидзе районидаги колхозларда ғўза қатор ораларини кўндалангига биринчи марта юмшатиш бўйича берилган топшириқ эндигина 71 процент, Янгиер шаҳри колхоз ва совхозларида эса 83 процент бажарилган. кўндалангига иккинчи марта культивация бошланмаган. Бу хўжаликларда яганалаш ва ғўзани озиқлантириш ишлари ҳам ҳаддан ташқари кечикмоқда.

Район партия, совет ташкилотлари, қишлоқ хўжалик органлари раҳбарларининг шу кеча-кундуздаги энг муҳим вазифаси — барча куч ва моддий техника воситаларини ғўза парваришига тўла сафарбар этишдан, бу соҳадаги қолоқликка тезда барҳам беришдан иборат. Колхоз правлениелари, совхозларнинг дирекциялари, бошланғич партия ташкилотлари мўл ҳосил тақдирини ҳал қилувчи кишилар учун ғамхўрликни кучайтиришлари, уларнинг унумли меҳнат қилишлари учун барча зарур шароитларни яратиб беришлари лозим.

Ўзаро социалистик мусобақа байроғини янада баланд кўтариб, астойдил бел боғлаб меҳнат қиладиган пайт келди. Ҳосилим мўл бўлсин, деган деҳқон яганани барвақт тамомлаш, ғўзани эрта озиқлантириш, қатор ораларини икки томонлама юмшатиш йўли билан ўсимликнинг ривожланишидаги қолоқликни тугатиш, ғўзани ёппасига эртароқ шоналатиб, ҳосилга киритиб олиш тадбирларини кўриши керак. Шунга эришайликки, ғўзанинг ривожланишидаги қолоқлик тезда тугатилсин, гектарлар тўла, ғўза туплари нормал қалинликда бўлсин!

Областимиз пахтакорлари, ғайрат камарини белга маҳкамроқ боғланг, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг июнь ойида бўладиган учинчи пленумида ёруғ юз билан ҳисоб берайлик!

Ўзбекистон касаба союзларининг олтинчи съезди

Совет касаба союзларининг коммунистик жамият қурилишидаги роли катта ва шарафлидир. Ишчи ва хизматчиларни ишлаб чиқаришни бошқаришга кенг жалб қилиш, етти йилликнинг амалий масалаларини турмушга тадбиқ этишда уларнинг ижодий ташаббуси ва активлигини бутун чоралар билан ошириш, меҳнаткашларни коммунистик партия теварагига мустаҳкам жипслаштириш — партия XX ва XXI съездлари ва КПСС Марказий Комитети Пленумлари қарорларида касаба союз ташкилотлари олдига қўйилган асосий вазифалар ана шулардан иборатдир.

Республика касаба союзлари СССР касаба союзлари кўп миллионлик армиясининг жанговар отрядларидан биридир. Республика касаба союзларининг кейинги икки йил ичидаги фаолиятига якун ясаш, уларнинг омма орасидаги ташкилотчилик ва сиёсий тарбия ишлари савиясини янада ошириш йўлларини белгилаш учун республика ҳамма областлари ҳамда Қорақалпоғистон АССР меҳнаткашларининг кўпгина вакиллари Ўзбекистон касаба союзларининг олтинчи съездига Тошкентга келдилар.

23 майда Навоий номли опера ва балет театрида съезднинг биринчи мажлиси бўлди. Уни касаба союзлари республика советининг раиси С. Н. Нуриддинов очди.

Съезд президиуми сайланади. Президиум составида Ўзбекистон КП Марказий Комитетининг бюро аъзолари М. А. Абдураззоқов, О. А. Алимов, Р. Ғ. Ғуломов, Ш. Р. Рашидов, А. Н. Рудин, Ф. Е. Титов, Ўзбекистон КП Марказий Комитети бюро аъзолигига кандидатлар И. П. Бурмистров, Қ. М. Муртазоев, ВЦСПС секретари М. М. Мусохонов, партия, совет, касаба союз ва комсомол ташкилотларининг раҳбар ходимлари, фан ва маданият арбоблари, ишлаб чиқариш новаторлари бор.

Делегатлар ва меҳмонлар содиқ ленинчи ўртоқ Н. С. Хрушчев бошлиқ Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитети Президиумини съезднинг фахрий президиумига сайлаш ҳақидаги таклифни гулдурос қарсаклар билан кутиб оладилар.

Съезднинг секретариати ва мандат комиссияси сайланади. Кун тартиби ва иш регламенти тасдиқланади.

Съезд кун тартибига қуйидаги масалалар киритилади:

1. Ўзбекистон касаба союзлари республика советининг ҳисоботи;

2. Ўзбекистон касаба союзлари республика совети ревизия комиссиясининг ҳисоботи;

3. Ўзбекистон касаба союзлари совети ва ревизия комиссиясини сайлаш.

Ўзбекистон касаба союзлари республика советининг ҳисоботи юзасидан Ўзсовпроф раиси **С. Н. Нуриддинов** доклад қилди.

Республика касаба союзларининг съезди, деди докладчи, омманинг сиёсий ва меҳнат ғайрати мислсиз мавж урган вазиятда тўпланди. Партия XXI съезди ва КПСС Марказий Комитети Пленумларининг тарихий қарорларидан илҳомланган Ўзбекистон меҳнаткашлари барча совет кишилари сингари етти йиллликнинг улуғвор вазифаларини зўр ташаббус билан амалга оширмоқдалар. СССР Олий Совети бешинчи сессиясининг тарихий қарорлари шаҳар ва қишлоқ меҳнаткашларининг ижодий кучини янада авж олдириб юборди. Бу қарорда Коммунистик партия ва Совет ҳукуматининг халқ фаровонлиги ҳақида, халқнинг ўсиб бораётган моддий ва маданий эҳтиёжларини тўла қондириш ҳақида тинмай кўрсатаётган ғамхўрлиги ўзининг ёрқин ифодасини топди. Меҳнаткашлар ўртоқ Н. С. Хрушчевнинг сессияда қилган докладини ва якунловчи сўзини баланд руҳ билан кутиб олдилар.

Ўзбекистон меҳнаткашлари СССР нинг барча халқлари билан биргаликда партия ва ҳукуматнинг халқ туб манфаатларига жавоб берадиган доно ички ва ташқи сиёсатини қизғин маъқуллайдилар. Совет давлатининг тинчлик ишини ҳимоя қилишга қатъий аҳд қилганлиги Н. С. Хрушчевнинг Парижда тўрт давлат бошлиқларининг дастлабки учрашувида ва матбуот конференциясида берган баёнотларида бутун инсоният олдида зўр куч билан намойиш қилинди. Совет кишилари жосусликни ва диверсияни ўз давлат сиёсати деб эълон қилган, давлатлар суверенитетини қўполлик ва сурбетлик билан поймал қилаётган, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Уставини оёқости қилаётган Америка империалистларига ғазаб билан лаънат айтмоқдалар. АҚШ ҳукмрон доираларининг жиноятларига ивволарига совет халқи ўз хушёрлигини янада ошириш, жонажон давлат қудратини мустаҳкамлаш учун курашни кучайтириш билан жавоб беради.

Докладчи ҳисобот даврида қилинган ишни таҳлил этиб айтдики, республика касаба союзлари партия раҳбарлигида ўз ташкилий ва тарбиявий фаолиятини анча яхшилади. Бу эса Ўзбекистон экономикаси ва маданиятини ривожлантиришда янги муваффақиятларга эришишга, меҳнаткашлар турмушини яхшилашга ёрдам берди. Касаба союз ташкилотлари оммани ижодий активлигини бутун чоралар билан ривожлантиришга эришиб, социалистик мусобақага раҳбарликни яхшиладилар, илғор тажрибани пропаганда қилишни кучайтирдилар.

Ўзбекистонда коммунистик меҳнат коллективи ва зарбдори номини олиш учун ватанпарварлик ҳаракати тобора кенг қулоч ёймоқда.

Бу ҳаракатда ҳозир юз мингдан кўпроқ кишини бирлаштирадиган 5.180 бригада, цех, участка, смена комплект иштирок этмоқда. 800 коллектив бу шарафли номни олди. Ишлаб чиқариш илғорларидан 2700 киши коммунистик меҳнат зарбдори деган шарафли номни олишга муяссар бўлди. Саноат ишлаб чиқаришнинг донгдор новаторлари — Ўзбекистон металлургия заводи прокат станининг мастери Саид Нуриддинов, Тошкент тўқимачилик комбинатининг ин йигирувчилар бригадири Валентина Пидинова, шунингдек пахтачиликни комплекс механизациялаш учун курашда муносиб намуна кўрсатган Социалистик Меҳнат Қаҳрамонлари Валентин Тюпко, Мелиқўзи Умурзоқов ва Турсуной Охуновалар халқнинг катта ҳурматига сазовор бўлдилар.

Оммaнинг ижодий ташаббуси меҳнатга социалистик муносабатда бўлишнинг янги формаларини келтириб чиқармоқда. Тошкентдаги биринчи пойафзал фабрикаси, кўн ва қоғоз комбинатлари, металл фурнитураси заводи коллективларининг бир-бирига алоқадош корхоналар ўртасида бошланган мусобақа яхши натижалар бермоқда. Тошкент тўқимачилари Л. Светашева, Е. Сухорукова ва А. Бочаров ўртоқлар қимматли ташаббус бошладилар. Неча минглаб ишчилар улардан намуна олиб ускуналар унумини ошириш бўйича етти йиллик топшириқларини муддатидан илгари бажариш учун курашмоқдалар. Фарғона тўқимачилари маҳсулотнинг юқори сифати учун мусобақа ташаббускори бўлдилар. Социалистик Меҳнат Қаҳрамонлари Валентина Гаганова ва Ғанишер Юнусовдан намуна олаётган кишиларнинг сафи кенгаймоқда. Улардан намуна олган бир ярим мингга яқин энг яхши ходимлар қолоқ участкаларга ўтиб, бу участкаларни илғорлар даражасига етказиб олдилар. Тошкент радиолампа заводи коллективининг Ленин меҳнат вахтасини йил охиригача давом эттириш ҳақидаги чақириғи республиканинг ҳамма жойида қўллаб-қувватланди.

Кўпгина касаба союз ташкилотлари социалистик мусобақани авж олдириб, ишчилар ва инженер-техник ходимларнинг етти йилликдаги асосий вазифаларини — техникани тезроқ тараққий эттириш, ишлаб чиқариш процессларини автоматлаштириш ва механизациялаштириш, хомашё ва материалларни тежаб сарфлаш, резервлардан тўла фойдаланиш, ҳамма техника иқтисодий кўрсаткичларни яхшилаш вазифаларини ҳал этишдаги активлигини ошира олдилар. Мусобақанинг кенг авж олдирилиши туфайли республиканинг кўпгина корхоналари белгиланган топшириқларни анча ошириб бажардилар. Тошкент темир йўлининг коллективи СССР Министрлар Совети ва ВЦСПСнинг Кўчма Қизил байроғини сурункасига уч марта олди. КПСС Марказий Комитетининг бўлажак Пленумини муносиб кутиб олиш учун мусобақа тобора кенгая бормоқда.

Тошкент иқтисодий районининг Иваново ва Киев иқтисодий районлари билан мусобақаси, Ўрта Осиё ва Закавказьедаги қардош республикаларнинг шаҳарлари ўртасидаги мусобақалар авж олмоқда. Ўзбекистон пахтакорларининг Тожикистон, Озарбайжон, Туркманистон, Қирғизистон, Қозоғистон, Арманистон дала меҳнаткашлари билан мусобақаси ажойиб традиция бўлиб қолди. Бу мусобақаларнинг ҳаммасида совет халқларининг ўзаро қардошлик ёрдами ёрқин намоён бўлмоқда. Ўзбек халқи ўз катта оғаси — улуғ рус халқининг ҳамда Ватанимиздаги барча халқларнинг бегараз ёрдамини кун сайин сезиб турибди. Бу халқлар хўжалик ва маданий қурилиш соҳасидаги ўзларининг бой тажрибаларини зўр хохиш билан бир-бирларига ўргатмоқдалар.

Касаба союзлари ишига етти йиллик план вазифалари нуқтаи назаридан баҳо берганда, дейди докладчи, Ўзсовпроф, облсовпрофлар, касаба союзларининг область ва республика комитетлари, кўпгина бошлангич ташкилотлар томонидан мусобақага раҳбарлик қилиш савияси

(ДАВОМИ ИККИНЧИ БЕТДА).

ТИНЧЛИК ИШИ ЕНГИЛМАСДИР

★ ★

ҲУКУМАТИМИЗ СИЁСАТИНИ МАЪҚУЛЛАЙМИЗ

Тўрт буюк давлат бошлиқларининг кенгашини бутун дунёдаги соф ниятли кишилар қанчалар орзиқиб кутган эдилар. Чунки бу кенгаш энг муҳим масалаларни яъни тинчлик ишини мустаҳкамлашга доир масалаларни ҳал қилиши лозим эди.

Халқаро муносабатлардаги «совуқ уруш»лар музининг эриётганлиги, афтидан, америкалик сиёсатдонларга маъқул тушмаганга ўхшайди. Шу сабабли америкалик қора қузғун Ватанимиз муқаддас ҳаво чегарасини бузиб, қароқчиларча мамлакатимиз ичкарисига бостириб кирди. Кечирим сўраш ва ана шундай ифвогарликларга йўл қўйган шахсларни қаттиқ жазолашга ваъда бериш ўрнига АҚШ корчалонлари бу нарсани ўзларининг давлат сиёсатлари деб эълон қилдилар. Бунчалик сурбетликни тарих ҳали кўрмаган эди. Американинг раҳбарлари тинчлик ишини мустаҳкамлаш соҳасида бошқа давлат раҳбарлари билан бир фикрга келмаслигларини ҳеч бир уялмай-нетмай бутун жаҳонга намойиш қилиб кўрсатди. Шу сабабли ҳам тўрт давлат бошлиқларининг кенгаши бўлмай қолди. Бунинг учун жавобгарлик ифвогарликни ўз сиёсати қилиб олган Америка корчалонлари зиммасига тушади.

Совет халқи тинчлик ишини мустаҳкамлаш учун бундан кейин ҳам астойдил меҳнат қилади. Заводимиз коллективи ҳам ҳукуматимиз бошлиғи ўртоқ Н. С. Хрушчев баёнотида илгари сурилган фикрларни тамомила қўллаб-қувватлайди.

А. МУҲАМЕДОВ,
«Ташсельмаш» заводининг ишчиси.

БУНГА АМЕРИКА СИЁСАТДОНЛАРИ АЙБДОР

Пойтахтимиздаги медицина ходимлари миллионлар қаторида америка империалистларининг жосуслик ҳаракатлари туфайли Парижда ўтказиладиган тўрт давлат бошлиқлари кенгашининг барбод этилганини қаттиқ қораламоқдалар, бутун дунё халқларининг эзгу орзусини рўёбга чиқармаган ашаддий ифвогарларга лаънатлар ўқимоқдалар.

Тошкентдаги Семашко номли физиология ва курортология илмий-текшириш институти ходимларининг йиғилишида ҳам областимиздаги барча медицина ходимларининг фикри ифодаланди. Йиғилишни экспериментал бўлимининг бошлиғи А. С. Шаталин очиб, Америка Қўшма Штатлари ҳарбийларининг Совет давлатига нисбатан қилган душманлик ҳаракати ҳақида ахборот берди. Шундан сўнг сўз олган илмий ходим Ж. Нурмуҳамедов бундай деди:

— Биз зўр куч, ғайрат билан етти йиллик режаларини бажараётган, коммунизм сари илдам қадамлар билан бораётган меҳнаткашларнинг саломатлигини сақлаш йўлида фидокорона меҳнат қилмоқдамиз. Биз барча совет халқи, бутун тинчликсевар прогрессив инсоният билан ҳамнафасмиз. Орзумиз фақат тинчлик.

Лекин ана шу муқаддас орзунинг бутун дунёда тантана қилишига тўсқинлик қилаётган бир гуруҳ империалистларни қаттиқ нафратлаймиз. АҚШ ҳарбийларининг бизга нисбатан қилган душманлик ҳаракатлари туфайли Парижда ўтказиладиган тўрт давлат бошлиқлари кенгашининг барбод этилгани эрксевар совет халқини қаттиқ ғазаблантирди. Ҳукуматимиз бошлиғи Ўртоқ Никита Сергеевич Хрушчев империалистларнинг найрангларини бутун дунёга фош қилиб, миллионлар фикрини ифодалади.

Сўзга чиққан институт касаба союз маҳаллий комитетининг раиси Е. Т. Матнцин ва бошқа ўртоқлар ҳам Н. С. Хрушчев баёнотини қизғин қўллаб-қувватлаётганликларини билдириб, юксак доирадаги кенгашнинг вақтинча тўхатилганига америка сиёсатдонлари айбдор эканликларини айтдилар.

Саёқ юрган таёқ ер!

— Муқаддас Ватанимизнинг даҳлсиз чегарасидан жосуслик ниятн билан босиб ўтган Америка самолётининг ракета билан уриб туширилиши — саёқ, уруш талаб империалистларга урилган таёқ бўлди,— Тошкент электромеханика техникумида ўтказилган митингда студент Х. Тўраев ана шундай деди.

— Н. С. Хрушчевнинг Англия, Франция ва АҚШ давлат бошлиқларига берган баёнотидан кўриниб турибдики,— дейди ўқитувчи А. С. Виноградов,— Совет давлатининг сиёсати — жаҳондаги прогрессив инсоният томонидан қўллаб-қувватланаётган тинчлик сиёсатидир. Бир ҳовуч уришқоқлар тинчлик ишига путур етказиш учун ҳар қанча уринмасинлар, барибир, улар ўзларининг ёвуз ниятларига эришолмайдилар. Ҳукуматимиз бошлиғининг бу баёнотини биз ҳам қизғин маъқуллаймиз.

Шундан сўнг сўзлаган В. Величко, И. Барон ва бошқалар ҳам Америка империалистларининг агрессив ҳаракатларига нафрат билдириб, Н. С. Хрушчевнинг уч давлат бошлиқларига берган баёноти барча совет халқининг юрак сўзлари эканини ҳаяжон билан гапирдилар.

Р. МУСАЕВ.

ВЦСПС ТЎРТИНЧИ ПЛЕНУМИ

Илгари хабар қилинганидек, 20 майда Москвада ВЦСПСнинг тўртинчи пленуми бўлиб ўтди. Пленум СССР Олий Советининг бешинчи сессияси қабул қилган «Ишчи ва хизматчиларнинг иш ҳақидан олинадиган солиқларни бекор қилиш ҳақида» ва «1960 йилда барча ишчи ва хизматчиларни етти ва олти соатлик иш кунига ўтказишни тугаллаш тўғрисида»ги қонунлар муносабати билан касаба союзларнинг вазифаларини муҳокама қилди.

Докладчи ВЦСПС раиси В. В. Гришин таъкидлаб айтдики, СССР Олий Совети сессиясининг иш якунлари социалистик тузумнинг улуғворлигини бутун дунё олдида намойиш қилмоқда. Бу якунлар шуни кўрсатадики, ҳокимият меҳнаткаш халқ қўлида бўлган бизнинг мамлакатимизда инсон ҳақида, унинг моддий ва маънавий эҳтиёжларини тўла қондириш ҳақида ғамхўрлик қилиш асосий мақсаддир.

Музокараларда сўзга чиққан кишилар СССР Олий Совети бешинчи сессиясининг қарорларини қизғин маъқулладилар, Америка империалистларининг ифвогарлик сиёсатини нафрат билан қораладилар, ишчи ва хизматчиларнинг қисқартирилган иш кунига ўтишлари муносабати билан касаба союз ташкилотлари қандай иш олиб бораётганликлари ҳақида гапириб бердилар.

Пленум касаба союз ташкилотлари, барча ишчилар, инженерлар, техниклар ва хизматчиларга мурожаат қилиб, партия ва ҳукуматнинг халқ фаровонлиги ҳақидаги янги ғамхўрлигига жавобан етти йиллик планни муддатидан илгари бажариш учун мусобақани янада кенг авж олдиришга, мамлакатимизда коммунизм қурилиши учун курашда ўз ғайратларини оширишга чақирди.

* * *

Пленум АҚШ ҳукуматининг агрессив ҳаракатлари ҳақидаги масала юзасидан резолюция қабул қилди. Резолюцияда касаба союзларда уюшган Совет Иттифоқининг 55 миллион ишчи ва хизматчиларининг фикри ифодаланади, юксак доирадаги кенгашнинг барбод бўлишига олиб келган Америка ҳукуматининг сиёсати ва ҳатти-ҳаракатига қарши ғазаб ва қатъият билан норозилик билдирилади. Пленум Совет ҳукуматининг тинчликсевар сиёсатини тўла-тўкис маъқуллайди ва СССР Министрлар Совети Раиси Ўртоқ Н. С. Хрушчевнинг Парижда тутган позициясини яқдиллик билан қўллаб-қувватлайди. Тинч-тотув яшаш, барча давлатларнинг тенг ҳуқуқлиги ва суверенитетини ҳурмат қилиш ленинча принципларга асосланган бу позиция, дейилади резолюцияда, тинчлик ва халқлар хавфсизлигини мустаҳкамлаш учун мумкин бўлган бирдан-бир йўлдир.

(ТАСС).

ҚОРАКЎЛ ТЕРИ ТАЙЁРЛАШ ЙИЛЛИК ПЛАНИ МУДДАТИДАН ИЛГАРИ БАЖАРИЛДИ

Ўзбекистон қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари меҳнат соҳасида янги ғалабани қўлга киритдилар.

Ўзбекистоннинг колхоз ва совхозлари КПСС Марказий Комитетининг қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини янада юксалтириш ҳақидаги кўрсатмаларини амалга ошириш учун кураша бориб, қоракўл тери тайёрлаш йиллик планини муддатидан илгари, 1960 йил 20 майда бажардилар. Ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан анча миқдорда кўп қоракўл тери тайёрланди.

Қоракўл тери тайёрлаш давом этмоқда.

ВЕНАНИНГ МУЗ УСТИДА ЎЙНАЙДИГАН «АЙС РЕВЮ» БАЛЕТИ АРТИСТЛАРИНИНГ МУВАФФАҚИЯТИ

Илгариги гастроллар пайтида москваликларга жуда ёқиб қолган Венанинг муз устида ўйнайдиган «Айс ревю» балетининг артистлари ўн кундан бери Москвада меҳмон бўлиб турибди. Бу артистларнинг «Орзулар элида» деб аталган янги спектаклини Москва тамошабинлари ҳар куни кечқурун қизғин кутиб олмоқдалар. 22 майда ҳам Спорт саройининг зали тамошабинлар билан лиқ тўлди. Тамошабинларнинг ҳурсанд бўлиб чалган қарсаклари тез-тез эшитилиб турди.

Шу куни кечқурун балет тамошасига келган А. Б. Аристов, Л. И. Брежнев, Н. Г. Игнатов, Н. А. Муҳиддинов, Д. С. Полянский, М. А. Суслов, Е.А.Фурцева, Н. С. Хрушчев, П. Н. Поспелов ўртоқлар ҳам Вена артистларини қарсаклар чалиб олиқишладилар.

Залда Австриянинг СССРдаги элчихонаси вакили Г. Хинтерэггер ҳам ҳозир бўлди. (ТАСС).

Тошкент Совнархози беш ойлик планни бажарди

Иваново, Киев ва Фарғона Халқ хўжалиги кенгашлари меҳнаткашлари билан мусобақалашиб ишлаётган ва КПСС Марказий Комитети июль Пленумига муносиб совға тайёрлаш учун қизғин кураш олиб бораётган Тошкент Совнорхози саноат корхоналарининг коллективлари 23 майда беш ойлик ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш ва маҳсулотларнинг муҳим турларини тайёрлаш планини муваффақиятли бажардилар. Прокат, кўмир, минерал ўғитлар тайёрлаш, пахта териш машиналари, цемент, газмол, пойафзал ва гўшт маҳсулотлари ишлаб чиқариш топшириғи шараф билан бажарилди.

Ўтган йилнинг шу давридагига қараганда саноат ишлаб чиқаришининг ҳажми 18 процент, меҳнат унумдорлиги 13,6 процент ошди.

Иқтисодий районимиз меҳнаткашлари мавжуд имкониятларни ишга солиш ҳисобига ой охиригача пландагидан ташқари бир неча ўн миллион сўмлик маҳсулот тайёрлаб бериш мажбуриятини олдилар.

Суратда: съезднинг мажлислар залида.

И. Глауберзон фотоси.

Ўзбекистон касаба союзларининг олтинчи съезди

(БОШИ БИРИНЧИ БЕТДА)

ҳозирги куннинг юксак талабларига ҳали ҳам жавоб бермаётганлигини тан олиш керак. Бир қанча ҳолларда қабул қилинадиган мажбуриятлар умумий характерга эга бўлиб, реал имкониятлар ва резервлар ҳисобга олинмайди. Иш якунларининг эълон қилиниши, ишлаб чиқариш тажрибасининг алмаштириб турилиши ҳамма жойда ҳам таъминланаётир деб бўлмайди. Мусобақа натижаларига якун ясаганда ҳали ҳам формализм тугатилгани йўқ. Кўпинча иш илғорларини аниқлаш ва рағбатлантириш билан чекланади, қолоқ участкаларга кам эътибор берилади.

Касаба союз ташкилотлари ўнларча корхоналарнинг ёмон ишлаётганлиги, меҳнат унумдорлигини ошириш, маҳсулот таннархини камайтириш ва сифатини яхшилаш юзасидан топшириқни бажармаётганлиги учун бевосита жавобгардирлар. Касаба союзлар янги техниканинг аҳамиятига етарлик аҳамият бермаётган, юксак унумли асбоб-ускуналарни ўз вақтида фойдаланишга тошириш чораларини кўрмаётган, капитал қурилишга ажратилган маблағлардан фойдаланиш ҳақида етарли даражада ғамхўрлик кўрсатмаётган хўжалик раҳбарларига таъсир кўрсатиш учун ўз ҳуқуқларидан яхши фойдаланмаётирлар. Айрим касаба союз комитетлари ишлаб чиқаришни ташкил қилиш, планлаштириш, моддий техника таъминоти, кадрларни жойжойига қўйиш ва ўқитиш, мусобақа қатнашчилари олган мажбуриятларни муваффақиятли бажариш учун уларга зарур шароит яратиш масалаларини чуқур ўрганмаётганликларини мутлақо нормал ҳол деб бўлмайди.

Республикада ишлаб турган рационализаторлар ва ихтирочилар жамияти, 16 тармоқ илмий техника жамиятлари техника тараққиёти учун курашга муҳим ҳисса қўшмоқда. Ҳисобот даврида ишлаб чиқариш новаторлари чорак миллиард сўмдан кўпроқ маблағни тежаб қолдилар. Новаторларнинг бевосита иштироки билан янги техника бўйича уч юздан кўпроқ тадбир жорий қилинди, машина ва приборларнинг 68 типи яратилди. Лекин қирқ мингдан кўпроқ кишини уюштиришни мазкур жамиятлар фаолиятида жиддий камчиликлар бор. Бу камчиликлар Ўзбекистон инженер-техник ходимлари ва саноат новаторларининг иккинчи съездида жуда тўғри кўрсатилди. Вазифа рационализаторлар ва ихтирочилар йўлидаги ҳамма тўсиқларни бартараф этиш, фан ва ишлаб чиқариш ҳамкорлигини мустаҳкамлашдан иборатдир.

Якка бошчиликни қўйидан контроль қилиш принципи билан мослаб олиб бориш имконини берадиган доимий ишлаб чиқариш кенгашлари меҳнаткашларни ишлаб чиқаришни бошқаришга жалб этишнинг муҳим формасидир. Ҳозир республика корхоналари ва қурилишларида 2239 доимий ишлаб чиқариш кенгаши бўлиб, уларда тўқсон мингдан кўпроқ киши қатнашмоқда. Ҳисобот даврида уларнинг ташаббуси билан 68 минг таклиф жорий қилинди. «Ташсельмаш» заводида, Коғон тепловоз депосида, «Оққўрғон» совхозида иш яхши қўйилган. Шу билан бирга талайгина фактлар кўпгина касаба союз ташкилотлари ва хўжалик раҳбарларининг доимий ишлаб чиқариш кенгашлари аҳамиятини тушуниб етмаганлигини кўрсатади. Бир қанча корхоналарда бу кенгашлар аҳён-аҳёнда ишлайди ва улар қабул қилган қарорлар контроль остига олинмайди.

Ҳисобот докладида меҳнаткашлар моддий фаровонлигини оширишда ва уларга маданий-маиший хизмат кўрсатишни яхшилашда касаба союзларининг иштирокига оид масалалар катта ўрин эгаллаган. Кейинги икки йил ичида меҳнаткашларнинг 165 минг оиласи янги уйларга кўчиб кирди. 150 миллион сўмдан кўпроқ маблағ ана шу давр ичида ишчи ва хизматчилар меҳнат шароитини соғломлаштириш тадбирларига сарфланди. Болалар муассасалари ва даволаш муассасалари, шифохоналар, клублар, маданият саройлари, кутубхоналар, маданият университетлари, умумий овқатланиш корхоналарининг шохобчалари тўхтовсиз ўсмоқда. Социал страхование маблағларидан 1.352 миллион сўм, яъни ўтган икки йилдагига нисбатан 260 миллион сўм кўп маблағ меҳнаткашлар турмушини яхшилашга сарфланди. Бу йил ҳамма ишчи ва хизматчиларни қисқартирилган иш кунига ўтказишнинг тугалланиши муносабати билан касаба союзлари олдида янги перспективалар очилади.

Меҳнаткашлар турмуш даражасини яхшилаш, бу ишда ташаббус ва почин кўрсатиш, коллектив шартнома шартларининг сўзсиз бажарилишига эришиш — ҳар бир касаба союз ташкилотининг муқаддас вазифасидир. Уй-жой қурилиши суръатини жадаллаштириш, умумий овқатланиш корхоналари, болалар боқчалари ва болалар яслилари ишини яхшилаш, меҳнаткашлар дам олишини ташкил этиш учун ҳамма имкониятлардан фойдаланилмаётган айрим корхона ва қурилишлардаги аҳволга барҳам бериш керак. Меҳнатни муҳофаза қилиш ва хавфсизлик техникаси масалаларида, ишлаб чиқаришда санитария маданияти қоидаларига риоя қилиш, ишчиларни жамокор билан таъминлашда етарлик принципиаллик кўрсатмаётган касаба союз ходимлари нотўғри иш қилмоқдалар.

Докладчи конкрет мисоллар келтириб, баъзи корхоналарда қисқартилган иш кунига ўтиш учун амалий тайёргарлик кўрилмаётганлигини кўрсатиб берди. Тошкент халқ хўжалиги кенгашининг кўпгина машинасозлик заводларида белгиланган ташкилий-техника тадбирлари ўз вақтида амалга оширилмаган, бунинг натижасида бу корхоналарда меҳнатнинг янги шароитига кечикиб ўтилди. Самарқанд, Фарғона ва бошқа шаҳарларнинг бир қанча корхоналарида хўжалик раҳбарлари ва касаба союз ташкилотлари техник нормалашига, иш ҳақини тартибга солишга расмиятчилик билан қарамоқдалар.

КПСС Марказий Комитетининг «Ҳозирги замон шароитида партия пропагандасининг вазифалари тўғрисида»ги қарори муносабати билан маданий-оқартув муассасалари фаолиятини такомиллаштириш касаба союз ташкилотларининг кечиктириб бўлмайдиган ишидир. Асосий камчилик шундан иборатки, бир қанча клублар, маданият саройлари, кутубхоналарда ўтказилаётган тадбирлар ишлаб чиқариш коллективи ҳал этаётган вазифалардан ажраб қолган, ҳаёт билан яхши боғланмаган. Лекция пропагандасида формализм тағ-томири билан йўқотилгани йўқ. Илмий атеистик темалардаги лекциялар сифатига жиддий эътибор берилмаётир. Айрим касаба союз маданий-оқартув муассасаларининг коммерсия корхоналарига айланиб қолишига мутлақо йўл қўйиб бўлмайди. Улар ўз фаолиятларини пуллик киносеанслар ва танца кечалари билан чеклаб қўймоқдалар.

Республикадаги бадиий ҳаваскорлик ишларининг аҳволи меҳнаткашларни коммунистик руҳда тарбиялаш вазифаларига жавоб бермайди. Ҳаваскорларнинг ижодий коллективлари ҳали жуда кам, ҳамма корхона ва муассасаларда ташкил этилмаган. Масалан, Андижон областида касаба союзларининг фақат эллиқта бадиий ҳаваскорлик тўгараги бўлиб, улар 800 га яқин кишини бирлаштирган. Саноат ходимлари, ижодий союзлар, республика маданият министрлиги ҳаваскорлик коллективларига доимий ёрдам кўрсатмаётирлар. Оммавий физкултура ишлари анча яхшиланиши керак. Бу ишга касаба союзлар ҳар йили жуда катта маблағлар сарфламоқдалар.

Касаба союз ташкилотлари болаларни тарбиялаш, уларнинг дам олишини ташкил қилиш, улар ўртасида соғломлаштириш ишларини яхшилаш ҳақида ғамхўрликни кучайтиришлари зарур. Мактабларга таълимни қайта қуришда, политехника таълимини ташкил этишга ёрдам кўрсатиш —касаба союзларининг шарафли бурчидир.

Докладчи республика касаба союзларининг ташкилий ишини муфассал ёритди. Ҳисобот даврида касаба союзлар сафига яна 255 минг киши кирди. Ҳисобот-сайлов йиғилишлари ва конференциялари қатнашчиларининг айтган танқидий мулоҳазалари касаба союзлар ва уларнинг раҳбар органлари ишидаги мавжуд камчиликларни тугатишга, касаба союзларга бериб қўйилган шу қадар катта ҳуқуқлардан яхшироқ фойдаланишга ёрдам бермоқда.

Докладчи касаба союз ташкилотлари олдида турган вазифаларни характерлаб берди. У таъкидладики, касаба союзларнинг бутун фаолияти Ўзбекистон меҳнаткашлари етти йилликнинг иккинчи йилида олган юксак социалистик мажбуриятларнинг муваффақиятли бажарилишига қаратилиши керак. Колхоз ва совхоз ишлаб чиқаришини кескин даражада юксалтиришга эришиш, республика қишлоқ хўжалик меҳнаткашларининг бу йил камида 3 миллион 170 минг тонна пахта етиштириб, давлатга сотишлари учун бутун чоралар билан ёрдам кўрсатиш —касаба союзларининг шарафли вазифасидир. Касаба союзлар КПСС Марказий Комитетининг бўлажак Пленумини муносиб кутиб олишга интилаётган оммани ошиб бораётган меҳнат ғайратига бошчилик қилишлари керак.

Ўртоқ Нуриддинов ўз докладининг охирида ишонч билдириб айтдики, Ўзбекистон касаба союзлари ҳамма совет касаба союзлари сингари бундан буён ҳам коммунистик қурилишнинг улуғвор вазифаларини амалга оширишда партиянинг ишончли таянчи бўлиб қолади.

Съездда ревизия комиссиясининг раиси **А. Ф. Ерманов** ревизия комиссиясининг ҳисобот докладини қилди.

Тингланган докладлар юзасидан музокаралар бошланди. (ЎзТАГ).

КОММУНИСТИК МЕҲНАТ КОРХОНАСИ УЧУН!

Янгийўлдаги гўшт комбинатининг коллективи Тошкент радиолампасозларининг чақириғига жавобан Ленин вахтасини йил охиригача давом эттириш ва коммунистик меҳнат корхонаси деган шарафли номни олиш учун курашмоқда

Илғорликни қўлдан бермаймиз

Ўтган йилнинг 26 май куни сира хотиримиздан чиқмайди. Нега деганда, худди шу куни бизнинг бригадага шаҳримизда биринчилар қатори шарафли ном — коммунистик меҳнат бригадаси деган ном берилди. Ҳаммамиз шунда қанчалик қувонган эдик. Ахир унгача ишимиз айтарлик яхши эмас эди-ла! Москва-Сортировочная депоси ёшларининг ташаббусига қўшилиб, Ильичдек ишлаб, Ильичдек яшаш учун кураш бошлаганимиздан кейин бригадамиздаги ҳар бир ишчининг қобилияти бутун тўлалиги билан яққол кўрина бошлади.

Ҳамма бир киши учун, бир киши ҳамма учун! Биз ўз ишимизда, турмушимизда ана шу шиорга қаттиқ амал қилдик. Ёш, тажрибаси етарли бўлмаган ишчиларни илғор ишчилар ўз оталикларига олдилар. Ҳар биримиз қўшимча 2—3 тадан ҳунар ўрганишга киришдик. Ишдан ташқари вақтларни ҳам кўпинча бирга ўтказадиган бўлиб қолдик. Баъзан кинога, баъзан театрга борамиз, баъзан эса комбинатимиз қизил бурчагида янги техника адабиётлари билан танишамиз. Ўз соҳамиз бўйича Иттифоқимиздаги илғор корхона коллективларининг иш тажрибаларини ўрганамиз, ижодий мунозаралар юритамиз.

Бригадамиздаги кўпгина ишчилар ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда ўз билимларини оширмоқдалар. С. Чауш- В. Титнев ўртоқлар кечки ишчи-ёшлар мактабида, старший мастер Н. Мальцев қишлоқ хўжалик институтида сиртдан ўқимоқдалар. Шокир Ҳақназаров, Баҳодир Қосимов каби касбдошларимиз шу янги ўқув йилидан Ўрта Осиё Политехника институтига қадам қўйишмоқчи.

Буларнинг хаммаси бригадамизда муттасил юқори кўрсаткичларни қўлга киритишга имкон бераётир. Биз етти ойлик топшириқни аллақачон бажариб қўйдик. Комбинатимиз коллективи Ленин вахтасини йил охиригача давом эттириш ва коммунистик меҳнат корхонаси деган шарафли номни олиш учун кураш бошлашга карор қилди. 6 ойдан бери район комсомол комитетининг кўчма Қизил байроғини ўз қўлида маҳкам сақлаб келаётган бригада аъзоларимиз бу ҳаракатнинг олдинги сафларида бўлиш учун астойдил ҳаракат қиладилар.

М. ОДИЛОВ,
дастлабки ишлаш цехининг ишчиси.

Суратда: механика цехининг коммунистик меҳнат бригадаси аъзолари (чапдан) слесарь Р. Аминов, монтажчи Р. Муродосилов, бригада бошлиғи И. Жете ре, электрчи Р. Устабобоев ва токарь В. Приходько ўртоқлар.

ЕТТИ ЙИЛЛИКНИ БЕШ ЙИЛДА

Етти йилликнинг улуғвор режаларини шараф билан амалга ошириш чинакамига умумхалқ ҳаракатига айланиб кетди.

Корхонамиз коллективи Москва ва Ленинграддаги илғор корхона коллективларининг ватанпарварлик ташаббусига қўшилиб, етти йиллик топшириқни муддатидан илгари — беш йилдаёқ бажариш мажбуриятини олди. Хўш, бундай катта мажбуриятни биз нималарга асосланиб олдик. Аввало ишчилар ва инженер-техник ходимларнинг кўрсатаётган жонбозлиги, ижодий ташаббуси эътиборга олинди. Сўнгра биз партиямиз Марказий Комитети июнь Пленуми қарорлари асосида айрим ишлаб чиқариш процессларини механизациялаш ва автоматлашдан бутун технология циклини комплекс механизациялаш ва автоматлаш ва шу йўл билан автоматлаштирилган цехлар ташкил этишни мўлжалладик.

Шуниси қувончлики, бир ёқадан бош чиқариб, бир мақсад йўлида меҳнат қилаётган коллективимиз бутун эл-юрт олдида берган ўз ваъдасининг устидан чиқмоқда. Биз ишлаб чиқариш процессларини, даставвал оғир ва кўп меҳнат талаб қиладиган ишларни механизациялаш, рационализаторлик таклифлари, ихтиролар ва техника янгиликларини жорий қилиш соҳасида бир қатор муҳим тадбирлар амалга оширилди. Кейинги йилларда цех ва участкаларга юзга яқин ҳозирги замон ускуналари ўрнатилди. Энг муҳими шундаки, бу янгиликларнинг кўпларини коллективимиз ўз кучи билан ишлаб чиқди ва амалга оширди. Жумладан, қорамолларнинг барча турларидан терини механик равишда шилиб оладиган агрегат, электр арра, култуткич ва бошқалар шулар жумласидандир. Бизда тайёрланган култутгич республикадаги бошқа корхоналарда ҳам эндиликда кенг жорий қилинмоқда.

Бундан ташқари корхонани реконструкция қилиш ва шу йўл билан уни янги техника билан қуроллантириш соҳасида ҳам катта ишлар амалга оширилаётир. Чунончи, колбаса цехи бутунлай реконструкция қилиниб, барча ишлаб чиқариш процесслари механизациялаштирилди. Натижада цехнинг ишлаб чиқариш қуввати икки баравар ошди, меҳнат шароити эса яхшиланди. Биз Совет Иттифоқида биринчи бўлиб, тутун генераторини жорий қилдик. Коллективимиз гўшт майдалайдиган автомат лойиҳасини ишлаб чиқди ва уни тайёрлади. Бу автомат кичик гўшт комбинатларида йилига 700 минг, катта комбинатларда эса 25 миллион сўмлик маблағни тежаш имконини беради. Сменада 5 тоннагача колбаса маҳсулотлари тайёрлайдиган корхонада 50 кишини, 75 тонна колбаса маҳсулотлари тайёрланадиган корхонада эса 750 кишини бошқа ишга кўчириш имконини беради. СССР Министрлар Советининг ихтиролар ва кашфиётлар Комитети бу автоматни бутун мамлакатимизда кенг жорий қилишни тавсия этди.

Юқоридаги тадбирлар натижасида биз топшириқларни доимо муддатидан илгари бажариб келмоқдамиз. 28 апрелда ярим йиллик ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш плани ортиғи билан бажарилди. Ўтган йилнинг худди шу давридагига нисбатан гўшт ва колбаса маҳсулотлари ишлаб чиқариш икки баравар кўпайди. Комбинатимизга 1960 йилнинг I квартал натижалари учун Тошкент Халқ хўжалиги кенгаши ва Облсовпрофнинг учинчи мукофоти берилди. Энг муҳими шуки, Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Давлат илмий-техника комитети ва Тошкент Халқ хўжалиги кенгаши қарори билан комбинатимиз СССР халқ хўжалиги ютуқлари Виставкасининг қатнашчиси этиб тайинланди.

Биз ана шу юксак номга лойиқ бўлиш ва уни амалда оқлаш ҳамда қўлга киритилган ютуқларимизни янада мустаҳкамлаш мақсадида бундан кейин ҳам зўр ғайрат билан меҳнат қиламиз.

Н. ЖУМАБОЕВ,
комбинат директори.
Н. ПЕРАГОВСКИЙ,
бош инженер.

Ленин вахтасини давом эттирамиз

Тошкентдаги В. И. Ленин номли радиолампа заводи коллективининг мурожаатини коллективимизнинг ҳар бир аъзоси зўр ҳаяжон билан ўқиб чиқди. Ундаги ҳар бир сўз худди шиорга ўхшаб жаранглайди, ўқиган кишида ўз таъсирини қолдирмасдан қўймайди. Радиолампасозлар республикамиздаги барча коллективларни Ленин вахтасини шу йилнинг охиригача давом эттириш, коммунистик меҳнат зарбдорлари ва бригадаларидан коммунистик меҳнат сменалари ва цехларига ўтишга даъват этдилар. Уларнинг бу сўзи бизга ҳам маъқул тушди. Комбинатимиз ишчилари ва инженер-техник ходимлари ўзаро маслаҳатлашиб, умумий йиғилишда коммунистик меҳнат корхонаси деган шарафли номни олиш учун курашга карор қилдилар. Бу — ҳар биримизнинг зиммамизга нақадар масъулиятли вазифалар юклашини жуда яхши биламиз.

Комбинатимизда ҳозир учта коммунистик меҳнат бригадаси бор. Дастлабки ишлаш цехида битта бригада ишлайди, бинобарин моҳият эътибори билан бу цех коммунистик меҳнат цехидир. Ана шу бригадаларнинг аъзолари ишлаб чиқаришдагина эмас, балки юриш-туришда ҳам, муомалада ҳам, оилада ҳам — хуллас ҳамма ерда чинакам коммунистик муносабат намуналарини кўрсатмоқдалар. Улар ҳаётимиздаги энг майда-чуйда камчиликларга ҳам қатъий кураш очдилар.

Лениндек ишлаб, Лениндек яшаймиз! Бу — коллективимизнинг асосий шиори бўлиб қолди. Ленин вахтасида туриб ишлаётган коллективимиз умуман корхона бўйича ҳозир етти ойлик топшириқни бажариш арафасида турибди. Асосий ҳал қилувчи ишлаб чиқариш участкаларининг ҳаммасида коммунистлар бошчилик қилмоқдалар. Раупов, Устабобоев, Шестаков, Мальцев ўртоқлар каби коммунистлар мавжуд резервлардан унумли фойдаланиш ва меҳнат унумдорлигини тинмай ошира бориш соҳасида айниқса ғайрат ва ташаббус кўрсатмоқдалар.

Коллективимиз етти йилликнинг иккинчи йили топшириғини муддатидан илгари — Улуг Октябрь социалистик революциясининг 43 йиллиги кунигача бажариш ва пландан ташқари камида 5.5 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқаришга қарор қилган. Ишлаб чиқаришни механизациялаш йули билан меҳнат унумдорлигини пландагига нисбатан 2,5 процент ошириш ва маҳсулот таннархини 300 минг сўм камайтириш, рационализаторлик таклифларини жорий қилиш йўли билан давлатнинг камида 100 минг сўмлик маблағини тежаб қолишга аҳд қилганмиз. Шарафли вахтада турган коллективимиз ўз сўзининг устидан albatta чиқади.

Р. ҚУЧҚОРОВ,
комбинат партия бюросининг секретари.

ШАРАФЛИ НОМ ЭГАЛАРИ

Шанба куни эди. Шура ишдан одатдагидан анча барвақт келди. У, умрдоши — Искандар ҳам эртароқ келса керак, деган умид билан кечки овқатга уринди. Лекин ҳа деганда Искандардан дарак бўлмади. «Нима бўлди экан, унинг бунақа қиладиган одати йўқ эдику», кўнглидан ўтказди у. Қараса бўлмайдиган, овқат қозонда туриб, ўз сифатини йўқотадиган. У, овқатни узиб келтириб, энди бир-икки қошиқ олган ҳам эдики, қизчаси Элмира дадасини сўраб қолди.

— Ҳозир келиб қолади, дадангдан сенга магазиндан совга олаётган бўлса керак. Қани, ким олдин ичиб бўлишга.

Элмира дадаси уйга келди дегунча уни қўймас, ширинидан шакар тиллари билан куни бўйи кўрган, эшитган нарсаларини яримта-юримта қилиб етказар эди. Искандар ҳам уйга келиши билан даставвал Элмирани ёўрар, уни кўтариб олиб, лўппи пахтадек юзларидан тўйиб-тўйиб ўпарди. Буни кўрган бир ёшлик Анвар ҳам ўз тилида алланарсалар деб қийқириб, бутун вужуди билан отасига талпинарди.

Искандар уйга келганида, қизчаси билан ўғилчаси кроватчада ширин ухлаб ётарди. У фарзандлари теппасида узоқ туриб қолди.

— Жуда хаяллаб қолдингизми, — сўради Шура.

— Ҳа, бироз ушланиб қолдим, — жавоб берди Искандар.

— Сабабини билсак бўладими?— Шура қизиқсиниб сўради.

— Бригадамизнинг сири, ҳозирча айта олмайман. Ўзинг биласанку биз олдимизга жуда катта мақсад қўйганмиз. Шу сабабли баъзан ортиқчароқ ишлашга, бош қотиришга тўғри келаётир.

Аслида воқеа бундай бўлган эди. Бир куни бригада аъзоси Шовкат ишга ширакайф бўлиб келди. Буни кўрган касбдошлари ҳижолат чекишди, «бу нима гап, нима қилганинг» деб ўртага олишди. Шу пайтгача яхши ишлаб, нуқул яхши гап эшитиб келган Шовкатга бу сўзлар қаттиқ ботди.

— Нима, сизларга зарарим тегаяптими, — деб кўрс жавоб берди у. — Ишимни қилаяпман-ку, ишимда бирор ишкали бўлса айтинг, унинг йўли бошқа.

Йигитлар қарашса, Шовкат ҳа деганда айбини бўйнига олиб, узур сўрайдиганга ўхшамайди. Шу сабабли у билан дурустроқ гаплашиб олишга тўғри келди.

— Сен кўпчилик олдида берган ваъдамизни унутдингми?

— Бизни ерга қаратмоқчимисан!

— Сени бу аҳволда кўрганлар бизнинг шаънимизга нима дейди!

Касбдошлари Шовкатни ўртага олиб, роса изза қилдилар. Қараса бўлмайдиган, йигитлар қаттиқ кетишяпти. Шовкат ўз айбини бўйнига олиб, дўстларидан узур сўради.

Шу-шу бўлди-ю Шовкат иккинчи бор ишга бундай аҳволда келмайдиган бўлди. Унинг ҳақида бригада аъзолари, корхонадагилар фақат яхши гап айтадиган бўлиб қолишди. Бироқ кутилмаганда мана бугун у яна ширакайф ҳолда ишга келди. Бу нарса бригада бошлиғини анча ўйлантириб қўйди.

Бригада бошлиғи смена тамом бўлгач, уйга эмас, балки Шовкатларникига қараб йўл олди. У Шовкатнинг онаси, хотини ва акаси билан узоқ суҳбатлашиб қолди. Уйига кечикиб келганлигининг сабаби ҳам шунда эди...

Эндиликда буларнинг ҳаммаси ўтмишдан бир эсдалик бўлиб қолди. Ўтган йилнинг май ойи эди, шекилли. Хушхабар участкадан-участкага, цехдан-цехга ўтиб, бир зумда бутун корхонага тарқалди. Уни эшитган механика мастерскойининг ишчилари кўз очиб юмгунча Искандар ва у раҳбарлик қилаётган бригада аъзоларини қуршаб олишди. Муборак бўлсинга бошқа цехлардан ҳам вакиллар келишган эди.

— Қандингни ур, дўстим!

— Буёғига бўш келма!

Искандар касбдошларининг самимий табрикларига дафъатан нима деб жавоб беришини билмас ва фақат: «Бир мен эмас, мана Шовкат, Владимир, Рустам, Константинлар ҳам бор», дерди холос.

Тушки танаффус вақтида бригада бошлиғи наридан-бери овқатланди-ю, бироз ҳордиқ чиқариш мақсадида кутубхона олдидаги, гулзорга қўйилган скамейкалардан бирига келиб ўтирди. Радио карнайидан эшитилаётган ёқимли куй кишига ором бахш этарди. Искандар куйни юрагидан берилиб тинглади. Шу тобда у ҳамма нарсани унутган, бутун борлиғи билан шу куйга берилганди. Чунки Искандар ҳозир кечираётган ҳолатни, унинг юрак қафасига сиғмаётган қувончини, эзгу орзу-умидларини шу куй бутун тўлалиги билан ифода этаётганди.

Ҳалол меҳнат нашъаси қанчалар лаззатли. Бригада бошлиғи шу тобда ана шу нашъа билан маст эди, бутун вужудини ҳали шу вақтгача ўзи ҳам сезмаган қандайдир бир ёқимли ҳис, лаззатли туйғу қамраб олганди...

Москвалик тенгқурларининг ишлари билан газеталар орқали танишгач, Искандар бригадаси комбинатда биринчи бўлиб шарафли номни олиш учун курашга отилиб чиқди. Корхона жамоат ташкилотлари, маъмурият ёшларнинг ташаббусини қўллаб-қувватлади. Шарафли ном олиш учун кураш бригададаги ҳар бир ишчи зиммасига янги вазифалар, янги масъулиятлар юклар эди. Искандар шу фикрни ўз касбдошларига кун сайин уқтирар, унумли ва сифатли ишлашда, юриш-туришда, маданий муомилада уларга ўзи намуна кўрсатарди.

— Бутун коллективнинг кўзи биздa, буни унутманг, — дерди у.

Йигитлар маслаҳатлашиб, ўз касбларини бир-бирларига ўргатишга қарор қилдилар. Уларнинг ҳаммаси малака ошириш курсига кириб ўқий бошлади. Чунки коммунистик меҳнат бригадасининг аъзоси деган ном уларни шунга ундарди. Орадан кўп ўтмади. Бу, жуда яхши самаралар берди. Эндиликда корхонада шу бригада ҳақида гап кетса, уларни «Қирқ ҳунар эгалари» дейишади. Бу гаппинг жони бор. Бригаданинг ҳар бир ишчиси 4—5 касбни эгаллаган. Вазият талаб қилганда, слесарь бўлиб ҳам, пайвандчи бўлиб ҳам, машинист бўлиб ҳам, бензорезчик бўлиб ҳам ишлай олади. Бригададаги 18 ишчининг 7 кишиси тўлиқ ўрта маълумотга эга. Қолганлари ҳам ўз билимларини ошириш мақсадида тинмай ўқиб, ўрганмоқдалар.

Бирор лойиҳа асосида мослама ёки станок ясашми, янги ускунани ўрнатишми, эскисини модернизация қилишми — хуллас, корхонада техникани тараққий этдириш билан бевосита шуғулланадиган кишилар шулар. Яқинда Совет Иттифоқида биринчи гўшт майдалагич автоматни ясаганлар ҳам шулар. Бригадада хомашё ва ёрдамчи материалларни тежашга алоҳида эътибор берилади. Шу йилнинг ўтган ойлари мобайнида 40 минг киловатт-соат электр қуввати, 200 килограммдан ортиқ алюминий, қариб 2,5 тонна қора металл ва 18 тонна шартли ёқилғи тежаб қолинди. Бу — бригада аъзоларининг етти йиллик фондига қўшган ҳиссаларидир.

Биз ҳаммамиз коммунизм деб аталувчи оромбахш келажак томон дадил, шаҳдам қадамлар билан бормоқдамиз. Ана шу манзилни яқинлаштиришдек олижаноб ишга Искандар Жетере ва унинг йигитлари ўз ҳиссаларини қўшмоқдалар. Бу билан улар фахрланса арзийди.

И. СУЛАЙМОНОВ.

Ишдан сўнг комбинат кутубхонаси кўпинча гавжум бўлади. Суратда: дастлабки ишлаш цехининг ишчилари (чапдан) Ш. Ҳақназаров, С. Еқубова, Ш. Содиқов, Н. Мальцев ва В. Титнев ўртоқлар янги техника адабиётлари билан танишмоқдалар.
В. Салов фотолари.

„ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ“
2-БЕТ 24 МАЙ, 1960 ЙИЛ.

ЎзКП МК пленумида ҳисоб берамиз

ҚАТҚАЛОҚҚА ҚАРШИ КУРАШИБ, ҒЎЗАНИ СОҒЛОМ РИВОЖЛАНТИРАЙЛИК!

ҲАЙБАРАКАЛЛАЧИЛИК БИЛАН ИШ БИТМАЙДИ

Апрель ойининг бошида Ўрта Чирчиқ районидаги Сталин номли колхозда очиқ партия йиғилиши бўлиб ўтди. Йиғилишда колхознинг бир неча йилдан бери пахта тайёрлаш планини бажаролмай келаётганлиги сабаблари ўртага ташланди ва бу йил ишда жиддий бурилиш ясаш учун бир қатор тадбирлар белгиланди. Тракторлардан унумли фойдаланиш, колхозчиларга қулай маиший шароит яратиш, болалар боғчаси ишларини яхшилаш, дала шийпонларини ремонт қилиш, радиолар қўйиш каби масалалар қарорда алоҳида қайд этилди. Шу билан бирга ғўза парваришини ўз вақтида сифатли ўтказиш зарурлиги кўрсатилди.

Хўш, пировардида нима бўлди, қабул қилинган қарор амалга оширилдими, ишда бурилиш ясалдими? Афсуски, йўқ!

Колхоз раҳбарлари (раиси Ўртоқ Власов, партия ташкилотининг секретари Ўртоқ Каримов) чигит экиш бошланган пайтда бу қарорга амал қилиб ишни ташкил этишга уриниб кўрдилар, бир амаллаб чигитни экиб олдилар. Лекин ғўза парвариши бошланган пайтда очиқ партия мажлисида белгиланган тадбирларни амалга ошириш зарурлигини эсдан чиқариб қўйдилар. Ишда парокандалик бошланди.

Колхоз агрономи Ўртоқ Убайдулла Абдуллаев бошлиқ 2-участкаси «илғор» деб мақталиб келинмоқда. Мана шу «илғор» участкада аҳвол қандай? Агар коммунистлардан Ботир Пўлатов, Ҳикматилла Қудратиллаев, Ашурали Пўлатов Ўртоқлар бошлиқ бригадаларнинг иши билан танишсангиз бу «илғорлик»нинг қалбаки эканини кўрасиз. Аввало бу бригадаларда ягана сифатсиз ўтказилган. Кўндалангига ишланадиган ерлардаги уялар бир-бирига тўғри келмайди. Ягана вақтида бунга сира эътибор берилмаган. Бундан ташқари ғўза жуда сифатсиз культивация қилинянпти, биринчи парвариш кечиктириб юборилган.

Колхознинг марказий участкасидаги 5 — 6-бригадаларда ҳам шу каби камчиликларга йўл қўйилган. Бу ерда ҳар бир уяда 2 — 3 тадан ўрнига 4—5—6 тадан кўчат қолдирилган. Бунинг ости ҳам ягана эмиш.

Колхозда 25 та чопиқ трактори бор. Лекин бу техникадан фойдаланиш мутлақо талабга жавоб бермайди. Шу кунларда далада ишлаб турган чопиқ тракторларининг сони 13—14 тадан ошмайди. Ўндан ортиқ трактор айни кунларда ғўза парваришига қатнашмаётир. Колхознинг механиги Ўртоқ Казанцовнинг айби билан Марҳамат Нурматова, Абдинаби Қаюмов Ўртоқлар бошлиқ бригадаларга биркитилган тракторларнинг арзимаган камчилиги ўз вақтида тузатилмагани учун 17,18 ва 19 май кунлари бекор турган.

Ўртоқ Ботир Пўлатов бошлиқ бригаданинг универсалчиси Ўртоқ Ортиқбой Тўхтаевга колхоз раҳбарлари касалхонага бориб келишга машина бермаганлари учун у 8 километрлик ерга тракторни ҳайдаб кетган.

Ғўза парваришида ишлаб турган тракторчиларга колхоз правленнеси қулай иш шароити яратиб бермаганидан баъзилари ишини ташлаб тегирмонга кетиб қолган. Бундай аҳвол айниқса «илғор» ҳисобланган агроном Убайдулла Абдуллаев бошлиқ участкада кўпроқ юз бераётир.

Шунинг учун ҳам бу участка ғўза парваришида энг орқада қолиб кетди. Колхозда райком ходими Ўртоқ Ғаффоров вакил. У шундай аҳволларни кўра-била туриб, муроса қилиб келаётир. Яъни ишчи кучлари ва техниканинг ғўза парваришига тўла сафарбар этилмаганига бефарқ қараб келмоқда.

Колхозда Башар Марипова, Абдугани Тиркашев, Мубор Жонотиллаева, Ҳаким Саидғозиев сингари кўпгина меҳнатда маҳорат кўрсатиб ишлаётган колхозчилар бор. Яна Санобар Қаландарова, Тошмирза Тўхтаев, Умин Худойбердиева сингари ишёқмас дангасалар ҳам бор. Колхоз раҳбарлари илғорларни рағбатлантириш, дангасаларга зарба бериш чораларини кўрмаётирлар.

Дала шийпонларини безатиш, агитация-пропаганда ишларини қизитиб юбориш партия ташкилотининг эътиборидан четда қолмоқда. 13-бригада дала шийпонида «Родина-52» радиоприёмники турибди. Лекин унинг батареяси йўқ, фақат савлатга қўйилган. Ҳалигача далада иссиқ овқат ташкил этилмаган.

Колхозда болалар боғчаси номигагина бор. Боғчалар яхши жиҳозланмаган. Зарур бўлган сут, сарёғ каби нарсалар вақтида берилмайди. Санитария қоидаларига риоя қилинмайди.

Сталин номли колхозда бу йил 110 гектар пахта майдонининг ҳар гектаридан 25 центнердан ҳосил етиштирилиши керак. Бироқ фактлар мана шу юксак мажбуриятга яраша иш қилинмаётганини кўрсатиб турибди.

Ишда бурилиш ясаш, очиқ партия мажлисида белгиланган тадбирларни амалга ошириш керак. Қуруқ ҳайбаракаллачилик билан иш битмайди.

А. ҚОБУЛОВ.

Ўрта Чирчиқ районидаги Куйбишев номли колхознинг ўртоқ Рустам Абдиев бошлиқ бригадаси аъзолари ғўза парваришида олдинда бормоқдалар. Улар 115 гектар ернинг ҳар гектаридан 35 центнердан ҳосил топшириш учун курашмоқдалар. Суратда: бригадада культивация пайти. Чапда бригадир Р. Абдиев.

В. Салов фотоси.

Адрда „оқ олтин" унади

Партия ва ҳукуматимизнинг қўриқ ерларни ўзлаштириш ҳақидаги қарорлари областимизнинг жуда кўп хўжаликларида изчиллик билан амалга оширилаётир. Оққўрғон районидаги Сталин номли колхоз аъзолари шу йилнинг ўзида асрлар бўйи экин экилмаган ерлардан 350 гектарини ўзлаштирдилар. Шундан 250 гектарига чигит, қолганига маккажўхори экилди.

Янги ўзлаштирилган ердаги бригадага Ўртоқ Назар Абдураҳмонов бошлиқ қилиб тайинланган. Бригада аъзолари эрта кўкламдан мўл ҳосил тараддудини кўрдилар. Ер экишга сифатли тайёрланди. Чигит агротехника қоидалари асосида экилиб, бир текисда ундириб олинди. Эндиликда бригада аъзолари ғўза парваришини қизғин олиб бормоқдалар.

Бригадада жами 10 киши бор. Бу кишилар 250 гектар ердаги ғўза ва 100 гектар ердаги маккажўхорини парвариш қилиб мўл ҳосил етиштиришлари керак. Ўз-ўзидан маълумки, механизациядан кенг фойдаланмай туриб, бу ишнинг уддасидан чиқиб бўлмайди. Шунинг учун пахтакорлар экинларни фақат механизмлар билан парвариш қилишга, ғўзага узунасига беш марта ва кўндалангига тўрт марта ишлов беришга қарор қилдилар.

Шу райондаги «Озод» колхозининг аъзолари 617 гектар ердан 25 центнердан «оқ олтин» кўтариш учун якдиллик билан курашмоқдалар. Бу ҳосилдорликни ўтган йилдагига нисбатан гектар бошига 6 центнерданга ошириш демакдир. Ҳозир колхознинг Д. Фармонов, Х. Худойқулов ва Ҳ. Мейданов Ўртоқлар бошлиқ бригадаларида ғўзанинг биринчи парвариши тугалланиб, иккинчи парвариши бошлаб юборилди.

П. ЭРГАШЕВ,
Қ. САРИМСОҚОВ.

Механизатор Муслим ота

Бригадир яганадан чиқарилган пайкални оралаб бўлиб, дала шийпонига келганда тушки дам олишга занг урилган эди. Колхозчилар шинамгина безатилган шийпонга тўпланишиб, ошпаз тайёрлаган лаззатли маставани баҳам кўришарди. Шу чоқ репродуктордан ёкимли куй тарқалди. Ҳалол меҳнат қилган бригада пахтакорлари мириқиб дам олардилар.

— Муслим ота кўринмайдими? — атрофга назар ташлаб, сўради бригадир.

— Юринг деб, шунча зўрласам ҳам кўнмади, — жавоб берди табелчи Нормат Киборов. — Етти гектарлик картанинг ярим гектари қолибди. «Шу ерни тамомламагунимча моторни ўчирмайман» деди.

— Ажойиб одам-да, ғурур билан деди бригадир механизатор ишидан мамнун бўлиб. — Ишни мўлжалига етказмаса тинчимайди. Ҳатто, овқат ҳам эсига келмайди.

Колхозчилар дала томон йўл олганларида Муслим ота тракторини қўшни пайкалга ўтказиб, овқатланишга келаётган эди.

—Ҳорманг энди, Муслим ота! — уни бригадир самимий қарши олди. — Вақтида чиқмай, овқатни ҳам совутиб қўйдингиз-ку!

— Ҳеч киси йўқ, ука. Овқат совуса иситилади-ю, ғўзаларимизни тезроқ яратмасак бўлмайди. Қатқалоқ қисиб қўяди. Илдизи чириши мумкин. Бу жуда хавфли касаллик. Олдини олишимиз керак. Ҳаво бўлса кунига тўрт-беш марта ўзгариб турибди. Фурсат ғанимат, Шукурбой.

— Раҳмат, Муслим ота. Гапингиз ҳақ. — Миннатдорчилик билдирди бригадир. — Бу йил қатор ораларини тезроқ юмшатишга тўғри келяпти.

Орадан кўп ўтмай, далада яна гумбурлаган овози эшитилди...

Колхозда ким билан гаплашманг, Муслим Рихсиевнинг ишга моҳирлиги, жонкуярлиги, сира чарчашни билмаслиги тўғрисидаги сўзларни эшитасиз. Чунки, ёш 60 дан ошган бу кекса йигитлардан қолишмай, меҳнат қилмоқда. Роса 26 йилдан бери «пўлат от»нинг рулини бураб келяпти.

— Бу одамнинг ота касби — этикдўзлик эди, — дейди трактор бригадасининг механиги Ўртоқ Ҳакимов.— У киши тиккан пойафзалга чидамлиликда бошқаларнинг бас келолмаси. Шу сабабли унга «устаси паранг» деб ном беришган. Лекин, у механизаторликни ҳам қойил қиляпти. Бу касбда ҳам «устаси паранг»лардан ҳисобланади.

Дарҳақиқат шундай. Муслим ота ўз ишининг устаси. Касбига чин кўнгилдан меҳр қўйганлиги туфайли иши доимо баракали бўлади. Қачон қараманг, тракторининг атрофида парвона бўлгани-бўлган. Бирор қисмига гард юқтиргиси йўқ. Ишдан сўнг артиб, тозалаб қўймагунча уйига кетмайди.

Бу йил кекса механизатор 50 гектардан ортиқроқ майдонга чигитни кўчирма қозиқ ёрдамида квадратуялаб экди. Ҳозир яшил квадратлар кўкка бўй чўзмоқда. Муслим ота бўлса тор қаторлаб экилган майдонларда тракторни кўндалангига юргизиб, квадратлар вужудга келтираётир.

— Икки томонлама ишлашнинг фойдаси катта, — деди кекса трактор чи. — Қўл меҳнати камаяди, ҳосил ортиб, нархи арзонлашади. Ахир бу — даромадимизнинг ошгани-ку!

Ота хизмат қилаётган Шукур Фатхуллаев бошлиқ трактор-далачилик бригада аъзолари етти йилликнинг иккинчи йилида 130 гектар ернинг ҳар гектаридан 35 центнердан юқори сифатли, арзон пахта етиштиришга маҳкам бел боғлаганлар. Моҳир механизатор бу ишга муносиб ҳисса қўшяпти. У ҳозир ғўза қатор ораларини иккинчи марта культивация қилмоқда.

З. ХАЙРИДДИНОВ,
Янгийўл районидаги Свердлов номли колхоз.

МЎЛ ҲОСИЛ УЧУН

Калинин районидаги Охунбобоев номли колхоз аъзолари «Шаҳар аҳолиси учун кўплаб сабзавот маҳсулотлари етказиб берамиз» деган шиор остида меҳнат қилмоқдалар.

Об-ҳаво ноқулай келишига қарамай, уюшқоқлик билан меҳнат қилиниши натижасида 120 гектар ерга эртаги картошка, 50 гектар майдонга помидор, шунингдек сабзи, карам, лавлаги ва бошқа экинлар экилди.

Шу кеча-кундузда экинлар агротехника қоидаларига мувофиқ сифатли парвариш қилинаяпти. 40 гектар ердаги картошка суғорилди ва культивациядан чиқарилди. Карам, помидор иккинчи чопиқдан чиқарилиб, мўл ҳосил тўплаши учун имкон яратилди. Ҳаким Азимов, Ҳамрохўжа Носиров, Йўлдош Эшонов Ўртоқлар бошлиқ бригада аъзолари мусобақада олдинда бормоқдалар.

С. ЕҚУБОВ.

БАҲОРГИ ПИЛЛА ҚУРТИ БОҚИШНИ НАМУНАЛИ ЎТКАЗАЙЛИК!

Атлас-шойи сероб бўлсин, деб

(Қишлоқ мухбирлари ёзадилар)

130 қути, роса 9 тонна! Чиноз районидаги Киров номли колхоз пиллачилари ана шундай юксак мажбурият олганлар. Шу кунларда пиллачилар қуртларни агротехника қоидалари асосида сифатли боқиб мўл ҳосил учун пухта замин ҳозирламоқдалар. Мубор Комилжонова, Ҳадича Аҳназарова, Санобар Абдурайимова Ўртоқлар колхознинг тажрибали пиллачиларидир. Улар ҳар йили мўл ҳосил етиштириб, мамлакатимизнинг атлас-шойисини кўпайтиришга муносиб ҳисса қўшмоқдалар. Бу илғор пиллачиларнинг 1960 йил учун олган мажбуриятлари юксак — ҳар қутидан 100 килограммдан. Газетхон Ўртоқ **А. Абдураҳмонов** редакциямизга юборган бир хабарида ана шуларни маълум қилган.

Янгиерлик Ўртоқ **Х. Расулев** «Янгиер пилласи» сарлавҳали хабар ёзиб юборибди. Унда кўрсатилишича «Коммунизм» колхози пиллачилари бу йил давлатга 3200 килограмм пилла сотишга қарор қилганлар. Шу кунларда мажбуриятни бажариш мақсадида фидокорона меҳнат қилинаётир. Калинин районидаги Охунбобоев номли колхоздан Ўртоқ **С. Жалиловнинг** хабар қилишича, бу хўжаликда 160 қути қурт уруғи боқилмоқда.

Оржоникидзе районидаги Киров номли ва «Сталинград» колхозларидан **Х. Мавлонов, Д. Нуъмонов** Ўртоқлар хабар юборишган. Бу хабарлардан маълум бўлишича ҳар иккала колхозда ҳам ипак қурти боқиш ишлари намунали ташкил қилинган. «Сталинград» колхози пиллачиларининг мўл ҳосил учун олиб бораётган курашларида шу колхознинг ёш пиллачиси Ўртоқ Омила Назирхонова олдинда бормоқда. У бу ишда иккинчи йил ишлаётганлигига қарамай, бир ўзи икки қути қурт уруғи боқиб, 200 килограмм пилла етиштиришга сўз берди.

— Оққўрғон районидаги «Оққўрғон» совхозида, — деб ёзадилар **Т. Маматов, Қ. Саримсоқов** Ўртоқлар, — пилладан мўл ҳосил етиштиришга катта эътибор берилмоқда. Ўртоқ Н. Оллоёров бошлиқ бригада пиллачилари 34 қути қурт уруғидан 2 минг килограмм пилла етиштириш учун астойдил курашмоқдалар. Қуртларни боқишда пиллачиларга совхоз агрономларидан Н. Цяпленкова, С. Алихонов Ўртоқлар яқиндан ёрдам бермоқдалар.

Сирдарё районидаги Карл Маркс номли, Юқори Чирчиқ районидаги Ленин номли колхозлар ва Олмалиқ шаҳридаги 2-«Оҳангарон» совхозидан ҳам хабарлар келган. Бу хабарларнинг авторлари **Х. Тоғбоев, Т. Исоқов** ҳамда **Р. Нажимов** Ўртоқлар пиллачиларнинг ҳормай-толмай меҳнат қилаётганликлари ҳақида қувона-қувона ҳикоя қиладилар.

ДАЛА ЧИРОЙЛАРИ

Уч кундан бери тўхтовсиз ёмғир ёғади. Бригада аъзолари бугун ҳам алла маҳалгача ёмғир тинишини кутиб шийпонда ўтирдилар. Улар шу кунларда обҳавонинг ноқулай келаётганлиги ҳақида ранжиб сўзлашардилар.

Кечаги куни эса ҳаво бироз юришиб кетди. Ғаффор ака Ҳамидов бошлиқ бригада пахтакорлари бир тан-бир жон бўлишиб, ғўза парваришини кучайтириб юбордилар. Айниқса механизаторлар фидокорона меҳнат қилдилар. Натижада ҳозиргача биринчи культивация тугалланди. 90 гектар майдонда аниқ яшил квадратлар ҳосил бўлди.

Шу кунларда бепоён далалар ўзгача ҳусниға бурканди. Бундан бир-икки ҳафта илгари ҳамма ер қиқизил шудгордан иборат эди. Эндичи, қайси картага кўз ташламанг ямяшил квадратларни кўрасиз. Даладан кўнгил узиб кетолмайсан киши.

Бу йил бригада аъзолари катта мажбурият олишган. Агар колхозда 1900 гектар пахта майдонидан 25 центнердан ҳосил кўтаришга қарор қилинган бўлса Ғаффор ака бошлиқ пахтакорлар гектар бошига 30 центнердан «оқ олтин» кўтаришга сўз беришган.

Гулистон районидаги «Москва» колхозининг бошқа бригадаларида ҳам мўл ҳосил учун пухта замин ҳозирланаётир. Ўртоқ Тошбой Эгамбердиев бошлиқ бригада 80 гектар ерга режа сими тортиб чигит эккан. Бунинг 15 гектари янгитдан ўзлаштирилган ердир. Пахтакорлар ҳар гектар ердан 28 центнердан ҳосил етиштиришга аҳд қилганлар. Шу сабабли тўла гектарлар учун курашдан яганалашгача бўлган ҳамма ишлар сифатли ўтказилаётир.

А.ЭРГАШЕВ.

Эътиборсизлик оқибати

Илғор чорвадорлар «сигирларнинг сути тилида» дейишади. Бу рост гап. Тўйимли ва хилма-хил озуқалар бериб борилса, қунт ва эътибор билан боқилса сигирлардан мўл-кўл сут соғиб олиш мумкин. Бунга амал қилган кўпгина колхоз ва совхозларда сут тайёрлаш ойлик ва квартал топшириқларни муваффақиятли бажарилмоқда.

Афсуски, «Ленинизм» колхозида аҳвол бошқача. Колхоз раиси Умаров, партия ташкилотининг секретари Азизов Ўртоқлар сигирлар сутини ошириш, соғин сигирлар туёғини кўпайтириш ҳақида ўйламаётирлар.

Бу йил колхозда 80 та сигирдан 209 тонна сут олиш планлаштирилган. Лекин фермадаги аҳвол бу мажбуриятни бажариш имконини бермайди. Янги йилнинг 5 ойи ўтиб кетаётганига қарамай ҳалигача сигирлар сони кўпайтирилмаган.

Сигирлардан жуда кам сут соғиб олинаётир. Йил бошидан бери ойлик ва квартал планлари бирор марта ҳам бажарилмаган.

Ферма ходимлари ўртасида интизом бўшаштириб юборилган. Шунинг учун ҳам ҳар куни олиниши лозим бўлган 550—560 ўрнига 450—460 литр сут соғилмоқда. Сигирларга режим асосида ем-хашак берилмайди. Икки бўлимдан иборат бўлган ферманинг узун йўлкаси ва хоналари жуда ифлос, сигирларнинг ости вақтида тозаланиб турилмайди. Ферма мудири Абдуазимов, зоотехник Расулов Ўртоқлар кундалик иш натижаларини ўз вақтида эълон қилиб бормайдилар. Кимнинг қанча литрдан сут соғиб олаётгани маълум эмас.

Сигир соғувчилар ўртасида социалистик мусобақа ташкил қилинмаган. Улардан графикка амал қилиш талаб қилинмайди. Ўртоқ М. Абдусатторова 11 бош сигирдан йил давомида 41600 литр сут олиши керак эди. Унинг ҳозиргача соғиб олган сути 10539 литрни ташкил қилади, холос.

Колхоз бошланғич партия ташкилоти чорвадорлар ўртасида оммавий-сиёсий ишларни кучайтириши, ҳамма куч ва имкониятни олинган мажбуриятларни бажаришга қаратиши керак.

О. ИСКАНДАРОВ,
Калинин райони.

Область мактаблари янги ўқув йилида бир сменали машғулотга ўтади

Қардош Украина ва Ставрополь ўлкаси меҳнаткашларининг мактабларда машғулотларни бир сменада ўтказиш учун бошлаган ватанпарварлик ташаббусларини республикамиз, шунингдек областимиз халқ маорифи ходимлари, партия ва совет ташкилотлари, колхоз, совхоз ва корхоналарнинг раҳбарлари ҳамда бутун жамоатчилик қўллаб-қувватлаб 1957—58 ўқув йилиданоқ мактабларни бир сменали машғулотга ўтказишга киришдилар. Натижада областимизда 1959—60 ўқув йилининг бошида 452 мактаб бир сменали машғулотга кўчирилди.

СССР Министрлар Совети ва Ўзбекистон ССР Олий Советининг «Мактабнинг турмуш билан алоқасини мустаҳкамлаш ва халқ маорифи системасини янада ривожлантириш тўғрисидаги» қонунларини амалга оширишда мактабларда машғулотларни бир сменага ўтказишнинг аҳамияти каттадир.

Бир сменалик машғулотга ўтиш ўқувчиларнинг фойдали меҳнат билан шуғулланишлари ва ўз меҳнатларининг самарасини кўрсата олиш имкониятини туғдиради. Ўқувчилар фан асосларини чуқурроқ эгаллайдилар, ҳунар ўрганадилар. Шу билан бирга фан асосларини ўзлаштириш ҳам юқори натижа беради.

Область партия комитети ва ижроия комитетининг яқиндан кўрсатган доимий ёрдами туфайли ўтган ўқув йили областимиз мактабларида бир сменалик машғулотлар ўтказиш мақсадида 286 қўшимча бино, яъни 1748 синф хонаси қурилди. Бу эса 45.599 ўқувчини бир сменали машғулотга ўтказишга имконият яратди. Шундай қилиб, ҳозирги кунда областимиз бўйича 452 мактабда бир сменалик машғулотлар ташкил этилган. Бу мактабларда 63.381 ўқувчи таълим олмоқда.

Мактабларда бир сменалик машғулотларни таъминлаш учун қўшимча бинолар, синф хоналари қуриш, мактабларни доска, парталар билан таъмин этиш биринчи навбатдаги вазифадир. Бу ишда халқ маорифи ходимлари кенг жамоатчилик ёрдамига суянадилар.

Областимиз шаҳар ва районлари мактабларида бир сменали машғулотга ўтиш юзасидан бирмунча ишлар қилинди. Жумладан, Янгиер шаҳрида 77 мактабдан 70 таси бир сменали машғулотга ўтказилди. Ваҳоланки, бу шаҳарда ўтган йили 11 мактабдагина машғулотлар бир сменада олиб бориларди. Машғулотлари бир сменага ўтказилган мактабларнинг ўзлаштириши якуланганида, ўтган йилнинг учинчи чорагидаги ўзлаштиришга нисбатан бу йилнинг учинчи чорагида 6,7 процент кўтарилган. Ёки улғурмовчи ўқувчилар сони 297 та камайган. Ҳозир бу шаҳар мактабларида 10.891 бола таълим олмоқда. Уларнинг деярлик ҳаммаси бир сменада ўқимоқда.

Бу давлат аҳамиятига эга бўлган ғоят муҳим ишда шаҳар жамоатчилиги катта ташаббус кўрсатди. Шаҳарда 1959 ўқув йилининг ўзидаёқ колхоз-совхозларнинг ортиқча маъмурий идора ва хўжалик бинолари ҳисобидан 41 бино мактаблар учун бўшатиб берилди.

Шаҳардаги «Коммунизм» колхози правленнеси (раиси Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Ўртоқ Латипов) ва колхозчиларнинг ташаббуси билан янги 10 йиллик мактаб биноси қуриб берилди. Бундан ташқари колхозда интернат-мактаб қурилиб, ишга туширилди. Шунингдек, шаҳардаги Карл Маркс номли колхоз ҳамда 1-«Боёвут» совхозларида ҳам янги мактаб бинолари қуриш, қўшимча синф хоналари қуриш ҳисобига ҳамма мактабларда машғулотлар бир сменада олиб борилмоқда.

Шу кунларда Оққўрғон районидаги 41 мактабдан 38 тасида машғулотлар бир сменада олиб борилмоқда. Шунингдек Олмалиқ шаҳрида 37 мактабдан 25 таси, Куйи Чирчиқ районида 67 мактабдан 46 таси, Бўстонлиқ районида 54 мактабдан 29 таси ҳамда Гулистон районида 101 мактабдан 71 тасида бир сменалик машғулотлар йўлга қўйилган.

Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг мактабларни бир сменали машғулотга ўтказиш ҳақидаги қарори областимиздаги ҳамма шаҳар, район халқ маорифи бўлимлари ҳамда жамоатчилик ўртасида кенг муҳокама қилинмоқда. Янги ўқув йилидан қарорни тўла амалга ошириш юзасидан амалий тадбирлар кўрилмоқда. Шу ўқув йилида областимиздаги 11 колхозда янги мактаб биноси қуриб ёш авлодга тақдим этилади. Бундан ташқари колхоз аъзолари ўз ташаббуслари билан 19 та янги типдаги мактаб биноси қуриб, шу йилнинг биринчи сентябрига фарзандларига совға қиладилар. Бу эса 6880 ўқувчини бир сменага ўтказиш имконини беради. Бу соҳада айниқса Оққўрғон районидаги Ворошилов номли, Бекобод районидаги «Победа», Гулистон районидаги «Ленинград», «Коммунизм», Карл Маркс номли ҳамда Ўрта Чирчиқ районидаги «Ленин йўли» ва бошқа бир қанча колхоз аъзоларининг ватанпарварлик ҳаракатлари тақдирга сазовордир.

1960—61 ўқув йилида область бўйича давлат томонидан қурилаётган 6 та янги типдаги мактаб биноси ҳам фойдаланишга топширилади. Бу билан яна 3120 ўқувчини бир сменага ўтказиш мумкин бўлади.

Шу йилнинг май ойида область партия комитети ва область ижроия комитети район ва шаҳарларнинг имкониятларини ҳисобга олиб областимиз бўйича мактабга айлантирилиши мумкин бўлган яна қўшимча 204 бино (1260 синф хоналари) мавжуд эканлигини аниқладилар. Бу бинолар ишга туширилиши натижасида 32675 ўқувчини бир сменага ўтказиш имконияти туғилади. Умуман областимиздаги ҳамма имкониятларни ҳисобга олганда 972 мактабда тўлиқ бир сменалик машғулотларни бошлаб юборса бўлади.

Аммо бунинг учун айрим қийинчиликлар мавжуд. Жумладан, юқорида кўрсатилган ташаббус областимизнинг ҳамма районларида ҳам қўллаб-қувватланилаётгани йўқ. Айрим шаҳар ва районларда бу масъулиятли ишга эътиборсизлик билан қаралмоқда. Масалан, бекободликлар 40 та мактабни бир сменали машғулотга ўтказиш ҳақида ваъда берган эдилар. Лекин улар ўз ваъдаларининг устидан чиқмадилар. Райондаги 8 та мактабдагина ўқишлар бир сменада олиб борилмоқда. Бўка районида эса 39 мактабдан 11, Оржоникидзе районида 60 мактабдан 15, Чиноз районида 34 мактабдан 7, Пискент районида 29 мактабдан 5 таси ва Чирчиқ шаҳрида эса 16 мактабдан атиги биттасида машғулотлар бир сменада олиб борилмоқда. Бу шаҳар ва район халқ маорифи бўлимлари, район раҳбарлари ўзларида бор имкониятлардан етарли фойдаланмай, давлат аҳамиятига эга бўлган бу муҳим масалага мутлақо эътиборсизлик билан қараб келмоқдалар. Аҳвол шундай давом этаберса бу шаҳар ва район мактабларида янги ўқув йилида бир сменали машғулотларни ташкил этиш мумкин бўлмай қолади.

Бундан ташқари Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитетининг қарорида кўрсатилганидек, район, шаҳар партия комитетлари, халқ маорифи бўлими ва умум жамоатчилик бу ишга қатъий киришмаса, мактабларни қўшимча бинолар ва зарур инвентарлар билан таъмин этмаса областимизда ҳамма мактабларда бир сменали машғулотга ўтиш масаласи оғир аҳволда қолади. Шу йилнинг ўзида 630 мактабда бир сменали машғулотга ўтиш кўзда тутилган. Бунинг учун 300 дан ортиқ синф хоналарини ремонтдан чиқариб фойдаланиш учун тахт қилиб қўйилган. Аммо улар парта ва доска билан таъминланмаган. Бу ишга биринчи навбатда мактабларни ўз оталигига олган ташкилотлар, жамоатчилик ёрдам бериши керак.

Областимиз партия, совет, комсомол ва жамоат ташкилотлари мактабларни бир сменали машғулотга ўтказиш соҳасидаги қўлга киритган муваффақиятларини мустаҳкамлаб, янги ўқув йилидан ҳамма мактабларни бир сменага ўтказиш учун ҳаракатни янада кучайтиришлари лозим.

О. МАЖИДОВА,
область халқ маорифи бўлимининг мудири.

СОВЕТ ҲУКУМАТИНИНГ ЯПОНИЯ ҲУКУМАТИГА НОТАСИ

20 майда СССР Ташқи ишлар министрининг ўринбосари В. В. Кузнецов Япониянинг СССРдаги элчиси С. Кадовакини қабул қилди ва унга Совет ҳукуматининг нотасини топширди. Совет ҳукумати Японияниинг АҚШ билан янги ҳарбий шартнома тузиши ҳамда унинг территориясидан Совет Иттифоқи ва бошқа тинчликсевар давлатларга қарши агрессив мақсадларда фойдаланиш натижасида келиб чиқадиган оқибатлар хусусида Япония ҳукуматини яна бир марта огоҳлантиради.

Нотада айтиладики, 1 майда жосуслик мақсадида СССР ҳаво чегараларига бостириб кирган ва совет ракета қўшинлари томонидан уриб туширилган америка ҳарбий самолётининг тарихи ҳарбий шартномаларнинг агрессив мақсадидан сўзсиз далолат беради. Ана шу ҳарбий шартномаларга мувофиқ, АҚШ ана шу шартнома қатнашчилари территорияларига ўз базаларини жойлаштирмоқда ва улардан Совет Иттифоқига қарши игвогарлик учун фойдаланмоқда.

Совет ҳукумати ўз нотасида билдирадики, Япония оролларида жойлашган базалардан учган америка самолётларининг СССР осмонига бостириб кириш ҳоллари бир неча марта аниқланган. Япония ҳукумати, дейилади нотада, вазиятни мураккаблаштиришга онгли равишда интилиб, жосуслик ва диверсияни, бошқа мамлакатларнинг суверенитети ва чегараларининг дахлсизлигини бузишни ўз давлат сиёсати деб эълон қилган давлат билан ҳарбий битим тузмоқда. Ўз-ўзидан маълумки, Совет ҳукумати АҚШ билан Япония ўртасидаги янги ҳарбий шартноманинг тузилиши Япония территориясидан СССР ва унга дўст бўлган давлатларга нисбатан агрессив ҳаракатларни амалга ошириш учун шароит таъминлашга даъват этилганлигидан иборат фактга бефарқ қарай олмайди.

Япония территориясидан амалга ошириладиган СССРга нисбатан игвогарликлар келтириб чиқарадиган оқибатлар учун жавобгарлик муқаррар суратда Япония ҳукумати зиммасига тушади. (ТАСС).

Чет элларда

Аргентинадаги байрамлар арафасида

БУЭНОС-АЙРЕС, 22 май. ТАСС мухбири В. Колокольников хабар беради: Кеча Аргентина республикаси президентининг «Пушти сарой» резиденциясида Аргентина республикаси мустақиллигининг 150 йиллиги байрамига келган чет эл делегацияларининг бошлиқлари президент Фрондисига ўзларининг ишонч ёрлиқларини топширишлари муносабати билан тантанали маросим бўлди.

Байрамга келган чет эл делегацияларининг ҳаммаси эрталаб соат 10-30 минутда Аргентина халқининг мустақиллиги учун курашида қаҳрамонлик кўрсатган генерал Сан-Мартин номидаги майдонда тўпландилар. Кавалерия эскорти бош бўлган автомашиналар бу ердан зўр тантана билан юриш бошладилар. Улар шаҳар кўчалари орқали аста-секин юриб, Пушти саройга бордилар. Аргентина пойтахтининг аҳолиси меҳмонларни қизғин табриклаб турди.

Автомашиналар ўтиб бораётганида, Совет Иттифоқининг делегацияси шарафига айтилган олқишлар янграб турди. Қизил байроқчалар билан безатилган ва совет делегацияси тушган машиналар олдинги группада бормоқда эди.

Пушти сарой олдида ҳарбий қисмлар саф тортиб турди, музикалар янграмоқда эди. Делегациялар музика садолари остида бирин-кетин Пушти сарой ичига кирдилар. Бу ерда уларни Аргентина президенти А. Фрондиси қабул қилди.

Совет делегациясининг бошлиғи, СССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари А. Н. Косигин президентга ўзининг ишонч ёрлиқларини топшириб, шахсан уни ва у орқали бутун Аргентина халқини мустақиллик байрамининг 150 йиллиги билан табриклади ҳамда унга бахт-саодат ва муваффақиятлар тилади. А. Н. Косигин Аргентина президентига совет делегациясининг аъзоларини таништирди.

Кеча-кундузи Аргентинанинг армия бўйича давлат секретари, дивизия генерали Родольфо Ларчер Май революциясининг 150 йиллиги байрамига келган ҳарбий делегацияларни қабул қилди. Бу қабул маросимида Совет Иттифоқи томонидан Совет Армияси ва Ҳарбий-Денгиз Флоти Бош сиёсий бошқармаси бошлиғининг ўринбосари генерал-полковник П. А. Лазкин ва Аргентинадаги совет ҳарбий аттаниси полковник П. П. Соколов ҳозир бўлдилар.

Қабул маросими самимий ва дўстона вазиятда ўтди.

Кунинг иккинчи ярмида чет эл делегациялари ўзларининг ишонч ёрлиқларини президент Фрондисига топшириб бўлганларидан кейин, Аргентина халқининг миллий қаҳрамони ва Аргентинанинг миллий мустақиллиги учун Испания мустамлакачиларига қарши олиб борилган курашга бошчилик қилган генерал Сан-Мартин ҳайкали олдига гулчамбарлар қўйиш тантанали маросими бўлди.

Чет эл делегацияларининг бошлиқлари ҳайкал олдига яқинлашганларида ҳарбий оркестр «диққат» сигналини чалди. Майдон тепасида реактив самолётлар эскадрильяси учиб ўтди.

Май революциясининг 150 йиллиги байрамида қатнашиш учун келган Совет ҳукумати делегациясининг бошлиғи, СССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари А. Н. Косигин СССРнинг Аргентинадаги элчиси Н. Б. Алексеев ҳамроҳлигида президент саройида—Пушти уйда Аргентина республикаси президенти доктор Артуро Фрондиси ҳузурига борди. А. Н. Косигин президентга СССР Министрлар Совети Раиси Н. С. Хрушчевнинг шахсий мактубини топширди. Президент Фрондиси билан А. Н. Косигин узоқ суҳбатлашдилар. Суҳбат вақтида халқаро аҳволга ҳамда СССР билан Аргентина республикаси ўртасидаги муносабатларга таллуқли масалалар муҳокама қилинди.

Конгрессменлар жавоб талаб қилмоқдалар

НЬЮ-ЙОРК, (ТАСС). АҚШ ҳукмрон доираларининг сиёсати натижасида юксак доирадаги кенгаш бардбод бўлганидан кейин, президент Эйзенхауэрнинг Вашингтонга қайтишидан бир неча соат олдин ўтказилган ёпиқ кенгашда қатнашган конгрессмен-демократлардан 20 киши юксак доирадаги кенгаш арафасида АҚШ ҳукуматининг ҳатти-ҳаракатини танқид қилиб айтилган гапларни маъқуллаганликларини хабар қилдилар ва бу билан Америка халқининг кенг равишда ташвишланаётганлигини ифодаладилар.

Конгрессменларнинг шу муносабат билан эълон қилинган баёнотида бундай дейилади:

«Юксак доирадаги кенгаш борбод бўлганлиги ҳамда бизнинг обрўйимизга ва жаҳондаги раҳбарлик ролимизга етказилган зарар бизни гоят қаяжонга солиб қўйди. Япи тинчлик ипи хавф остида қолди. Конгресс ва халқ қуйидаги саволларни беришга ҳақли деб ҳисоблаймиз. Биз ҳукумат бу саволларга жавоб беришга мажбур деб ҳисоблаймиз:

— Нега президент давлат бошлиғи сифатида, мен кенгаш тамом бўлмасдан олдин Вашингтонга қайтиб келишим ва ўз ўрнимга вице-президентни қолдиришим эҳтимол, деб олдиндан эълон қилиб қўйди?

— Нега юксак доирадаги кенгаш очилишига бир неча кун қолганда «У-2» самолётининг Совет Иттифоқи тепасига учиб бориши тўғрисида буйруқ берилди?

«У-2» самолёти билан рўй берган можаро маълум бўлиб қолганидан кейин ҳукуматнинг расмий кишилари нега бир-бирига зид келадиган ва нотўғри бир қанча баёнотларни эълон қилди ва бунинг учун ким жавобгар бўлиши керак?

— Қўшинларнинг жанговар тайёрлигини текшириб кўриш тўғрисида ҳукумат юксак доирадаги кенгаш арафасида нега Париждан буйруқ бериб юборди?

— Нега ҳукумат аввал Россия тепасида самолётларни учиришни миллий сиёсат тариқасида давом эттира беради, деб айтди-ю, кейин шу учишлар тўхтатилсин, деб буйруқ бериб, ўзининг бу фикридан қайтди?

— Аэронавтика ва космик фазони тадқиқ қилиш миллий бошқармасидан жосуслик ишлари ўтказиш учун ниқоб тариқасида фойдаланиб, бу миллий бошқарманинг тинч ишлар билан шуғулланади, — деб эълон қилинган ролини обрўсизлантириш зарур эдими?

— «У-2» самолётининг учиши учун масъул бўлган органнинг ҳаракатлари билан дипломатик вазифаларимизни бажариш учун масъул бўлган органнинг ҳаракатлари нега бир-бирига уйғунлаштирилмади?

— Американинг гражданлик маъмурлари ҳарбий маъмурларга нисбатан афзал деб ҳисобланадиган традицион сиёсатига зарар етказилдими?»

Бу баёнот эълон қилинганидан кейин бир неча соат ўтгач, конгрессменлардан яна 18 киши бу баёнотга қўшилди. Шу муносабат билан конгресс аъзоларидан 75 га яқин киши бу баёнотга қўл қўяди, деган фикр айтилмоқда.

Вакиллар палатасининг аъзоси ва баёнотни тузишда катта роль ўйнаган Ковальский (конгрессга Коннектикут штатидан сайланган демократ) бу баёнот дарҳол Оқ уйга юборилади, деб айтди. «Бу саволлар президентга ва ҳукуматга берилган саволлардир, — деди у. — Президент мамлакатга қиладиган ўзининг мурожаатида шу саволларга жавоб берсин, деб талаб қилмоқчимиз».

Вакиллар палатасининг аъзоси бўлган ва баёнотга қўл қўйган Чет Холифилд (конгрессга Калифорния штатидан сайланган демократ) матбуот вакилларига, агар президент Эйзенхауэр ўзига берилган шу саволларга жавоб қайтармаса, конгресс текшириш бошлаши лозим, деди. «Бу воқеаларга сабабчи бўлган айбдорларни аниқлаш, — деди у, — конгресс комиссияларининг вазифасидир».

СОЦИАЛИЗМ ҚУРАЕТГАН МАМЛАКАТЛАРДА

Хитой Халқ Республикасида

ЯНГИ ФАБРИКА

Хэбэй вилоятида Хитойда биринчи замонавий сунъий тола ишлаб чиқарадиган фабриканинг биринчи навбати қурилиши тамомланай деб қолди. Германия Демократик Республикасининг ёрдами билан қад кўтараётган бу корхона қурилиши 1957 йилда бошланган эди. Фабрика коллективи ўтган йилнинг июль ойида сунъий шойи ишлаб чиқаришга киришиб, янги йил арафасигача маҳсулотнинг бу хилидан 400 тоннадан ортиғини ишлаб чиқарди.

Механизациялашган ва автоматлашган корхона қурилиши тўла тамомлангандан кейин сунъий шойи ва юқори сифатли толадан ишланадиган маҳсулот мамлакатда йилига тайёрланадиган шойининг 70 процентига баравар бўлади.

МЕХАНИЗАЦИЯ КЕНГ ҚЎЛЛАНИЛМОҚДА

Хитойнинг денгиз ва дарё портлари ҳамда темир йўл станцияларида кран, транспортер, ортилган юкларни ўзи бўшатадиган вагонеткалар, подъемник, самосвал ва транспортчиларнинг меҳнатини енгиллаштирадиган ва меҳнат унумдорлигини кескин оширадиган турли хил асбоб-ускуналарни жуда кўп учратиш мумкин.

Юк ортиш-юк туширишда замонавий асбоб-ускуналар билан бир қаторда лебедка, дарвоза, блоклар каби оддий механизмларни хитойликлар ўзлари тайёрламоқдалар. Мамлакат юкчилари ва портчилари халқ хўжалиги юкларини тезлик билан жўнатиб туриш учун курашмоқдалар. Синъхуа агентлигининг хабар беришича, Циндао портида юк ортиш ва юк туширишнинг 80 процентдан ортиғи механизациялашган. Пекин темир йўлчилари ҳам Тяньцзин, Чэнду, Ланьчжоу станциялари ҳамда мамлакатнинг бошқа портларида юк ортиш-юк туширишларини 70 процент механизациялаштирдилар.

МУЛ ҲОСИЛ

Хитойнинг Юньнани Гуандун ва Гуанси жанубий уч вилоятида қишки буғдой, маис картошка, ловия ҳосили йиғиб олинмоқда. Ҳозирги замон агротехника методлари ва такомиллаштирилган машиналарни қўлланиш натижасида ҳосилдорлик ўтган йилдагига нисбатан 20—100 центнерга ошди. Гуандун вилоятининг деҳқонлари ширин картошкадан айниқса мўл ҳосил олдилар. Юньнани вилоятининг деҳқонлари эса 300 минга яқин гектар ерга экилган дуккакли экинлардан, юқори ҳосил етиштирдилар. Бу вилоятнинг кўпгина деҳқонлари ўтган йилнинг кузида биринчи марта қишки экин экдилар. Чунки улар қишлоқ хўжалиги кооперативлашмасдан илгари қишки экинларни йиғиб олиш ва баҳорги экин экиш имконятига эга эмас эдилар. (ТАСС).

Телевизор экранида

24 МАЙДА

19.30. Ёшлар учун концерт.

20.00. Сўнгги ахборот.

20.20. Ўзбек тилида врач суҳбати.

20.35. «Тошкент тракторйиғув заводида» деган эшиттириш (рус тилида).

20.55. «Рус табиатининг куйчиси». Рассом Саврасов туғилган кунинг 130 йиллигига бағишланган эшиттириш (рус тилида).

21.10. Киноповесть-«Тонгни қаршилаб».

ҲИНД ДРАМАТУРГИ ТОШКЕНТДА

Чет эллар билан дўстлик ва маданий алоқа қилувчи Ўзбекистон жамиятининг таклифига мувофиқ Ҳиндистоннинг етакчи драматургларидан бири Прагжи Досса рафиқаси билан Тошкентга келди. Ўнлаб драмаларнинг автори Прагжи Досса Осиё ва Африка мамлакатлари ёзувчиларининг Тошкент конференциясида ҳам қатнашган. Конференция кунларида унинг «Тарбияси бузилган бола» пьесасини ўзбек саҳнасида қўйиш ҳақида маслаҳатлашиб олинган эди.

Яқинда ана шу асар Тошкентдаги Горький номли драма театрида саҳналаштирилди. Юксак прогрессив идеялар билан суғорилган бу спектакль Бомбейда қўйилганда 1-даражали мукофотни олишга муяссар бўлган.

Прагжи Досса Горький номли театр артистлари ижросида ўз пьесасини тамоша қилди.

— Постановка менга жуда ёқди: раҳмат,— дейди драматург асар режиссёри А. Гинзбургга. Спектакль тамом бўлгандан сўнг автор билан артистлар ўртасида дўстона фикр олишув бўлди.

Суратда: Прагжи Досса (ўр тада) рафиқаси (чапда) билан театр артистлари орасида. **М. Нуриддинов** фотоси.

ПИОНЕРЛАР БАЙРАМИ

Ўтган якшанба куни пойтахт пионерлари марказий «Пахтакор» стадионида В. И. Ленин номидаги пионер ташкилотининг 38 йиллигини зўр тантана билан нишонладилар. Кеч соат 5 да фонфарчилар «Тингланг ҳамманги!» деб сигнал бердилар. Ёш авлоднинг тантанали линейкаси очиқ деб эълон қилинди. Совет Иттифоқи ҳамда Ўзбекистон ССР давлат гимнлари янграйди.

Тошкент шаҳар партия комитетининг биринчи секретари ўртоқ Қ. Муртазоев ёш ленинчиларни байрам билан қизғин табриклайди.

Сўнгра байрамнинг бадиий қисми бошланади. Ёш тамошабинлар Бутуниттифоқ пионер ташкилотининг тарихидан лавҳалар тамоша қиладилар.

Авиомоделчилар минбар ёнидам совет ракетаси, Ер сунъий йўлдоши, космик кеманинг макетларини кўтариб ўтадилар. Моҳир қўллар тўғарагининг аъзолари эса ўзлари ясаган турли экспонатларни намойиш қиладилар. Ҳаваскорлар ижро этган қўшиқ ва шўх рақслар ҳаммага манзур бўлади. Пионерлар кетидан қизил алвондан юлдуз тақиб олган октябратлар ўтишади.

Ёш ленинчилар слёти пойтахт пионерларининг чинакам байрамига айланиб кетди.

Ижарага машина олиш мумкин

Дам олиш кунларини ёки меҳнат отпускасини шаҳар чеккасидаги хушманзара, соя-салқин жойларда ўтказиш, далаларга чиқиб табиатнинг гўзал латофатидан баҳраманд бўлиш нақадар завқли. Кишининг чарчоқлари тарқалиб, руҳи енгил тортади. Бундай дам олиш ҳаммага ҳам хуш келади. Агар шунда тагинигизда енгил машина бўлсами, бир куннинг ўзида қанча-қанча жойларни тамоша қилиб қайтасиз.

Ана шундай кўнгилли дам олувчилар тўғрисида Тошкентдаги 2-енгил автомашиналар базаси маъмурияти ғамхўрлик қилиб, муҳим тадбирни амалга оширмоқда. Москва, Ленинград, Тбилиси, Сталинобод, Олмаота ва бошқа шаҳарларнинг тажрибасидан ўрганиб, бу автобаза енгил автомашиналарни пойтахт гражданларига вақтинча фойдаланиш учун ижарага беришни йўлга қўйди. Сиз автобазадан машинани 3 соатдан тортиб бир ой муддатгача ижарага олиб, ўз эҳтиёжларингиз учун фойдаланишингиз мумкин.

Автобаза ихтиёрида турли маркадаги енгил автомашиналар бўлади. Ижара ҳақи унча кўп эмас, жуда арзон. Масалан, бир соат фойдаланганлик учун янги маркадаги «Москвич» автомашинасига 3 сўм 60 тийин, «М-20» га 3 сўм 90 тийин, «М-21» га 4 сўм 20 тийин, «ГАЗ-69»га 3 сўм 80 тийин тўланади. Машинани агар бир сутка банд қилсангиз «Москвич» учун 29 сўм, «ГАЗ-69» учун 31 сўм, «М-20» учун 31,5 сўм, «М-21» учун эса 33 сўм ижара ҳақи олинади.

Борди-ю, шу машиналарнинг биридан бир ойга яқин фойдаласангиз 440 сўм билан 500 сўм ўртасида ижара ҳақи тўлайсиз. Машинада босилган йўлнинг ҳар бир километрига эса унинг маркасига қараб юқоридагига қўшимча равишда 29 тийин билан 40 тийин ўртасида ижара ҳақи олинади.

— Ҳозирча бизда 30 та «Москвич» ва «ГАЗ-69» маркасидаги енгил автомашиналар бор, — деди биз билан суҳбатда 2-автобаза бошлиғи ўртоқ Левин. — Шу йилнинг иккинчи ярмида бу рақам 100 тага етади. Кейинчалик бундан ҳам кўпаяди.

Агар машина керак бўлса 2-автобазага 50-275 телефон номери билан мурожаат қилсангиз бўлади. Автомашина қўлида шоферлик гувоҳномаси бўлган ҳар бир гражданинга ижарага берилади. Эсингизда бўлсин, автобазага машина учун борганда ўзингиз билан ишлаб турган жойингиздан ишонч қоғози, паспорт ва 3х4 размердаги фотосуратингизни албатта олиб боришни унутманг.

Т. НАЖМИДДИНОВ.

Австрия парламент аъзолари Тошкентда

СССР парламент группасининг таклифига мувофиқ Совет Иттифоқида меҳмон бўлиб турган Австрия парламент группасининг делегацияси ўтган якшанба куни Москвадан Ўзбекистон пойтахтига келди. Делегация составида Миллий кенгаш президенти Леопольд Фигль (делегация бошлиғи), парламент депутатлари: Жуберг Хофенедер, Ганс Зебингар, Франс Хетценауэр, Вильгельм Зальцер, Альфред Мигш, Отто Скритек, Роберт Бехинне, Ганс Четтель, Вимфрид Гредлер бор. Улар билан биргаликда делегация составига кирувчи Австриянинг СССРдаги мувақкат ишлар вакили О. Айзельсберг ҳам Тошкентга келди. Меҳмонларга Совет Иттифоқи бўйлаб сафарда СССР Олий Советининг депутати И. Т. Борисов ҳамроҳ бўлиб юрибди.

Австрия парламент аъзоларини Тошкент аэродромида Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари ва Ташқи ишлар министри С. О. Азимов, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг секретари И. В. Бабков, Ўзбекистон Олий Совети ташқи ишлар комиссиясининг раиси Г. С. Султонов, Тошкент шаҳар ижроия комитетининг раиси Х. А. Маъруповлар, Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутатлари, республика Олий Совети Президиуми ва Ташқи ишлар министрлигининг чет эллар билан дўстлик ва маданий алоқалар Ўзбекистон жамиятининг масъул ходимлари, матбуот вакиллари кутиб олдилар.

Австрия Миллий кенгашининг президенти Леопольд Фигль С. О. Азимовнинг табригига жавобан айтдики, делегация аъзолари Ўзбекистонга келиш имконияти берилгани учун мамнундирлар.

Австрия делегациясининг аъзолари Тошкентга келган биринчи кунда шаҳарнинг диққатга сазовор жойлари билан танишдилар. Улар Ўзбекистон халқ хўжалигидаги янги техника виставкасида бўлдилар.

Кунинг иккинчи ярмида Австрия парламент аъзолари Янгийўл районидаги Н. С. Хрушчев номли колхозга бордилар. Бу ерда уларни ана шу колхознинг раиси, СССР Олий Совети Президиумининг аъзоси Ҳамроқул Турсунқулов қизғин кутиб олди.

Кечқурун Австрия парламент группасининг аъзолари Навоий номли Ўзбек давлат опера ва балет театрининг «Аида» спектаклида ҳозир бўлдилар.

* * *

Ўзбекистон ССР Олий Советининг Раиси Р. Г. Ғуломов 23 майда Австрия парламент группасини қабул қилди. Суҳбат вақтида у Совет ҳокимияти йилларида экономика ва маданиятни юксалтиришда Ўзбек халқи томонидан қўлга киритилган муваффақиятлар ҳақида сўзлаб берди.

Делегация раҳбари Леопольд Фигль хурсандлик билан кутиб олинганликлари учун ташаккур билдириб, Австрия парламентининг аъзолари Ўзбекистонда бўлган вақтларида республика аҳолисининг Австрия халқига бўлган дўстона ҳис-туйғусига ишонч ҳосил қилганликларини айтди.

Суҳбат вақтида Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари ва Ўзбекистон ССР Ташқи ишлар министри С. О. Азимов, СССР Олий Советининг депутати И. Т. Борисов, республика Олий Совети Президиумининг секретари И. В. Бабков, Ўзбекистон ССР Олий Совети Ташқи ишлар комиссиясининг раиси Г. С. Султонов, Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутати С. И. Умаров ва бошқа расмий кишилар ҳозир бўлдилар.

Шу куни Австрия парламентининг аъзолари Тошкент тўқимачилик комбинатида бўлдилар. Меҳмонлар кунинг иккинчи ярмида Самарқандга сафар қилдилар. (ЎзТАГ).

Редактор: З. ЕСЕНБОЕВ.

ФИЗКУЛЬТУРА ВА СПОРТ

„Меҳнат"—„Копетдоғ"

Футбол бўйича «Б» классининг иттифоқчи республикалар иккинчи зонасида қатнашаётган Тошкентнинг «Меҳнат» командаси ўтган шанба куни марказий «Пахтакор» стадионида «Копетдоғ» (Ашхабод) футбол коллективини қабул қилди. Ҳар икки команда ҳам бутун ўйин давомида ғалаба учун астойдил курашди. Учрашув 2:2 ҳисоби билан дуранг бўлиб тугади.

Область биринчилиги учун

Футбол бўйича 1960 йилги Тошкент область биринчилиги мусобақалари бошланди. Областнинг барча шаҳар ва район командалари тўртта зонага бўлиниб ўйнамоқдалар. Дастлабки учрашувлар командаларнинг ёзги футбол мавсумига дуруст тайёрланганликларини кўрсатди.

Биринчи давра мусобақалари қуйидаги натижаларни берди: Свердлов номли колхоз (Юқори Чирчиқ)—Бўстонлиқ райони 12:0, Оржоникидзе райони — Юқори Чирчиқ райони — 5:2, «Политотдел» колхози — Қуйи Чирчиқ райони—8:1. Гулистон райони—Сирдарё райони — 2:0, Олмалиқ шаҳри —«Политотдел» колхози—4:1, «Химик» (Чирчиқ) — Свердлов номли колхоз (Юқори Чирчиқ) — 5:2, Янгиер — Бекобод—4:4, Оржоникидзе райони — Бўстонлиқ райони — 3:1.

Мусобақалар давом этмоқда.

Маданият университетларига ёрдамни кучайтирайлик

Яқинда пойтахт маданият университетлари раҳбарларининг умумшаҳар йиғилиши бўлди. Йиғилишда Тошкент шаҳридаги район маданият университетлари ректорлари, маданият муассасалари ва театр ташкилотлари раҳбарлари иштирок этдилар. Йиғилишни Тошкент шаҳар партия комитетининг секретари ўртоқ И. Р. Арнаутов қисқача кириш нутқи билан очди. У, Тошкент шаҳар партия комитети қошида ташкил этилган маданият университетлари методик советининг уч ойлик фаолияти ҳақида йиғилганларга гапириб берди.

Йиғилиш қатнашчилари методик совет раиси, профессор Қори Ниёзийнинг маданият университетлари фаолияти ҳақидаги докладини тингладилар ва муҳокама қилдилар.

— Ҳозирги кунда Тошкент шаҳрида 20 дан ортиқ маданият университетлари ишлаб турибди, — дейди докладчи. — Айрим районларда ва саноат корхоналарида ташкил этилган маданият университетлари фаолияти анча жонланиб кетди. Тошкентдаги темирйўлчилар маданият саройи, «Таштекстильмаш» заводи, 1-пойафзал фабрикаси қошидаги маданият университетлари шу жиҳатдан бошқаларга намуна бўлмоқда. Бу маданият университетларида машғулотлар мунтазам равишда ўтказилади. Уларнинг тингловчилари ҳам ой сайин кўпайиб бормоқда.

Докладчи шаҳар маданият университетлари фаолиятида йўл қўйиб келинаётган жиддий нуқсонлар ҳақида ҳам батафсил гапирди.

Методик советлар ва оталик ёрдами кўрсатилмаётган маданият университетлари ҳам бор. Шунинг натижасида бир неча маданият университетлари фаолияти амалда ёпилиб қолди. Чунончи, Киров район маданият университети Охунбобоев номидаги медицина билим юрти қошида ташкил этилган маданият университети шу йилнинг дастлабки ойларидаёқ ўз фаолиятини тўхтатиб қўйди.

Куйбишев районида ўнга яқин маданият университети ишлаб турибди. Лекин уларнинг ҳаммасида ҳам иш кўнгилдагидек бораяпти дейиш қийин. Бу университетларга тингловчилар кўплаб жалб қилинмаётир. Қатнашаётганлари ҳам машғулотларнинг мазмунли ва қизиқарли бўлмаётганлиги натижасида мунтазам қатнамаётирлар. Масалан, «Ташсельмаш» заводи маданият университетининг машғулот программаси унча пухта ўйлаб тузилмаётир. Университет раҳбарлари машғулотлар программасига фақат музикага оид лекция ва суҳбатларни киритиш билан кифояланмоқдалар.

Гельман номли маданият ва истироҳат парки, «Ташкенткабель» заводи қошидаги маданият университетлари ҳам қониқарли иш олиб бормаётир. «Ташкенткабель» заводи маданият университети шу йилнинг бошидан бери бирорта ҳам мазмунли лекция ва суҳбат ўтказгани йўқ. Бу маданият университети раҳбарларининг бегамлиги натижасида айрим лекциялар ўз вақтида ўтказилмай қолмоқда. Композитор Чайковскийга бағишлаб ўтказилган машғулотга атиги ўнтача тингловчи қатнашди.

Йиғилишда радиолампа заводи маданият университетининг ректори Бокман, тўқимачилар маданият саройи қошидаги маданият университетининг декани Чеховская, Тошкентдаги 1-пойафзал фабрикаси қошидаги маданият университети ректори Урлих, Тошкент канап фабрикаси комсомол комитетининг секретари Ткачева ва бошқа ўртоқлар сўзга чиқиб, ижодий ташкилотларнинг оталик ёрдамини кучайтиришга чақирдилар. Улар, айниқса Алишер Навоий номли опера ва балет театри, Ўзбекистон филармонияси, Тошкент Давлат консерваторияси ва Максим Горький номидаги рус драма театри коллективларини оталик ёрдами кўрсатмаётганликлари учун қаттиқ танқид қилдилар ва маданият университетлари фаолиятини жонлантиришга қаратилган амалий таклифлар киритдилар.

А. АЛИЕВ.

ТОШКЕНТНИНГ тамоша залларида

ҲАМЗА НОМЛИ ТЕАТРДА—24/V да **Ҳуррият**, 25/V да **Айтсам тилим кулди, айтмасам дилим.**

МУҚИМИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 25/V да **Ошиқ Ғариб.**

Иккинчи баҳор — «ВАТАН» (ўзбек тилида кундуз ва кечқурун).

Буюк Карузо — «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ», «СПУТНИК» (кундуз ва кечқурун), «ВАТАН» (кундуз соат 1 ва кеч 7 да), «ФЕСТИВАЛЬ» (кеч 9-10 минут ва 11 да), ПУШКИН номли (кеч 9 ва 10 яримда); ТЕЛЬМАН номли (кеч 8-50 минутда).

Каталония учун товар — НАВОИЙ номли, «ИСКРА», «ДРУЖБА» (2 залда), «ЎЗБЕКИСТОН» (кундуз ва кечқурун), НАВОИЙ номли (ёзги)), «УДАРНИК» (кеч соат 9 ва 10 яримда).

Қасос — «ВАТАН» (ёзги, кеч соат 9-10 минут ва 11 да), КАФАНОВ номли (кеч 9 ва 10 яримда), СТЕПАН РАЗИН номли (кеч соат 10-40 минутда).

Олис йўл — «МИР» (кундуз ва кечқурун).

Қонун — қонундир — «ОКТЯБРЬ» (кеч соат 9 ва 10 яримда).

Очилган қўриқ — «ДРУЖБА» (1-залда кундуз ва кечқурун).

1) **«Тевтон қиличи» операцияси**, 2) **Дўстимиз-Индонезия** — КИНОЛЕКТОРИЙ.

Ёш тегирмончи — СТЕПАН РАЗИН номли (кеч 8-50 минутда).

Бепоён йўл — ТЕЛЬМАН номли (кеч соат 10-40 минутда).

НАВОИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА
24 майда
ЎЗБЕКИСТОН САНЪАТ УСТАЛАРИ
КОНЦЕРТИ

Концертда: СССР халқ артистлари, Сталин мукофоти лауреатлари **Ҳалима Носирова, Мукаррама Турғунбоева**, Ўзбекистон ССР халқ артисти, Сталин мукофоти лауреати **Галия Измайлова**, СССР халқ артисти **Саодат Қобилова**, Ўзбекистон ССР халқ артистлари **Саттор Ярашев, Карим Зокиров, Насим Ҳошимовлар** қатнашади.

СВЕРДЛОВ НОМЛИ КОНЦЕРТ ЗАЛИДА
24 ва 25 майда
ЎЗБЕК АШУЛА ВА РАҚС АНСАМБЛИНИНГ
КОНЦЕРТЛАРИ

Ўзбекистон ССР халқ артистлари **Шаҳодат Раҳимова, Ғулом Абдурахмонов**, Ҳаҳон ёшлар фестивали лауреатлари, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артистлар ва солистлар қатнашади.

26 майда
ЎЗБЕКИСТОН САНЪАТ УСТАЛАРИ
КОНЦЕРТИ

Ўзбекистон ССР халқ артистлари **Шаҳодат Раҳимова, Ғулом Абдурахмонов**, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артистлар, Жаҳон ёшлар фестивали лауреатлари ва филармония солистлари қатнашади.

Концерт кеч соат 9 да бошланади. Билетлар кундуз соат 12 дан сотилмоқда.

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» («Ташкентская правда») — орган Ташкентского обкома и горкома Коммунистической партии Узбекистана, областного и городского Советов депутатов трудящихся.

Редакциямизнинг АДРЕСИ

Тошкент, «Правда Востока» кўчаси, 26. РЕДАКЦИЯ БЎЛИМЛАРИ НИНГ ТЕЛЕФОНЛАРИ: коммутатор — 26334 ва 33262 орқали Партия турмуши бўлими — 140 Пропаганда бўлими — 34808, 136. Совет, қури лиши бўлими — 136. Адабиёт ва санъат бўлими — 29040, 135. Қишлоқ хўжалик бўлими — 29040, 135. Саноат ва транспорт бўлими, Маданият бўлими — 34048, 132. Хатлар бўлими — 34048, 156, Маҳаллий ахборот бўлими—29040, 50. Секретариат—34808, 115. Эълонлар бўлими—28142.

Р 02687. «Қизил Ўзбекистон», «Правда Востока ва «Ўзбекистон сурх» бирлашган нашриётининг босмахонаси. Нашр. А. 1602.